



# Саодатни кафодатдаш

**Бу менинг сизларга наси-  
хатим... Аллоҳга қасам, ўзим  
хам шу насиҳатга муҳтожман,  
унга амал қилишимда ёр-  
дам беришини Аллоҳдан  
сўрайман. Ушбу насиҳатни  
сизларга юборишдан Аллоҳдан  
хаё қиламан, чунки У менинг  
холимни билади. Лекин қиёмат  
куни сизу бизларга Қуръон  
шафоатчи бўлишини истадим...**

Аллоҳ таоло айтади: «У (Қуръон)-  
дан ким бурилса, (бир йўла) буриб қў-  
йилур» (*Зориёт сураси, 9-оят*). Яъни, гу-  
ноҳлари сабабли унга укубат бўлсин учун  
Аллоҳдан юз ўгирганни Аллоҳ Қуръондан  
узоқлаштириб қўяди.

Биродарларим, ким Қуръон ёдлаш-  
ни бошламаган бўлса, дарҳол киришсин.  
Ким Қуръонни такрор қилишга бепарво  
бўлаётган бўлса, ақлини йиғсин. Кимнинг  
Қуръондан вирди бўлмаса, уни йўлга қўй-  
син. Вақтингизни кадрланг. Эрта уйғо-  
нинг. Шояд, аввобинларнинг карвонига  
қўшилсангиз. Агар обидликнинг лаззатини  
тотсангиз, сажда қилинг, Парвардигорга  
яқин бўлинг.

Қуръондан ўзингизга вирд қилиб олинг,  
уни ташлаб қўйманг. Ҳар куни тасбеҳ ай-  
тиб юришга одатланг. Тасбеҳ, таҳлил,  
истиғфорни тилингиздан туширманг. Ра-  
сулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга  
салавотни ҳам қанда қилманг. Ўзингиз  
ва ота-онангиз ҳаққига дуо қилинг. Сиз  
ёқтирган ва ёқтирмаган кишилар ҳаққига

ҳам дуо қилинг. Бошқаларга Аллоҳни эс-  
латишга сабабчи бўлинг. Шунда Аллоҳга  
маҳбуб бандалар қаторидан жой оласиз,  
иншоаллоҳ.

Дарҳақиқат, Қуръон ёдлашнинг, уни ке-  
чаю кундуз тиловат қилишнинг лаззати бор.  
У чарчокни кетказди.

Қуръонни ихлос билан мунтазам ўқий-  
диган қорининг ақлига ва ҳифзига Аллоҳ  
таоло барака беради.

Имом Қуртубий айтади: “Ким Қуръон  
ўқишга одатланган бўлса, юз ёшга етганида  
ҳам ақл-ҳуши жойида бўлади”.

Имом Иброҳим Макдисий шогирди  
Аббос ибн Абдуддоим раҳимаҳумуллоҳга  
бундай васият қилган: “Қуръонни кўп ўқи,  
асло тарк этма. Ўқиганингга қараб ният-  
ларинг ҳам амалга ошади”.

Баъзи муфассирлар айтадилар: “Қуръон  
билан машғул бўлдик, натижада дунёмиз  
хайру баракага тўлиб-тошди”.

Уламолардан бири айтади: “Мен ақл ва  
руҳни озиклантиришда, жисмни муҳофаза  
қилишда, саодатни кафолатлашда тиловат  
ва тафаккур қилиш Аллоҳнинг Китобига  
узоқ қараб туришдан кўра фойдалироқ нар-  
сани кўрмадим”.

Аллоҳ таоло Каломида айтади: “**Биз  
сенга нозил қилган Китоб муборакдир.  
Ақл эгалари унинг оятларини тадаббур  
қилишлари ва эслашлари учундир**” (*Сод  
сураси, 29-оят*).

Шундай экан, кундалик вирдингиздан  
чалғиманг. Аллоҳга қасам, агар Аллоҳ  
учун холис ният қилсангиз, Қуръони кар-  
рим дунё ҳаётингиз ва охиратингиз учун  
барака манбаига айланади.

Доктор Айман СУВАЙД

# Ватанни севиш фитрий туйғудир

**Шайх Муҳаммад Ғаззолий айтадилар:** “Башар ўз ерига, гарчи у тап-тақир саҳро бўлса ҳам, қаттиқ боғланади. Ватанни севиш инсон руҳиятидаги асл табиатдир. Ушбу табиат Ватанда яшашда ҳузур-ҳаловат, ундан узоқ бўлинса, соғинч, унга ҳужум қилинганида мудрофаа ва камситилганида ғазаб ҳисларини пайдо қилади”.

Айримлар истехзо билан тилга оладиган сўз – ватанпарварлик аслида ибодат даражасига кўтарилган соф, исломий қадриятдир. Ватан деганда, ҳамиша ўзимиз туғилиб ўсган, кўз очиб кўрган, таълим-тарбия олиб вояга етган, неча-неча аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақлидроки, меҳнати сарф қилинган юрт кўз олдимизга келади.

Абдулла Авлоний бобомиз: “Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакати шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган жойини жонидан ортиқ суяр... Биз туркистонликлар ўз Ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби араблар Арабистонини, қумли иссиқ чўллари, эскимослар шимол тарафлар, энг совуқ қор ва музли ерларни бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси мўътадил ерларга ҳижрат қилурлар эди”, деганида нақадар ҳақ эди.

Ватаннинг катта-кичиги ҳам, бой-камбағали ҳам бўлмайди. Ватан танланмайди. Ватан бизнинг молимиз эмас. Шунинг учун ҳам у пулга сотилмайди ва сотиб олинмайди. Ватан инъом этилмайди, қарзга берилмайди. У ҳар бир фуқаро учун муқаддас ва бетакрордир. **“Ватанни севмоқ иймондандир”**, деб бежиз айтилмаган. Яъни иймони бут, виждони пок ҳар бир инсон ватанини севади, уни ғанимлардан асрайди, унинг яшнаши, ҳурлиги учун курашади. Ҳар бир баркамол инсон ватан камолоти ва истиқболи, эл-юртининг озодлиги

ва мустақиллиги учун ҳамма нарсани, ҳатто ширин жонини ҳам аямайди.

Ислом таълимотига кўра, Аллоҳ таоло Одам наслидан дунёга келган зурриётларни Ер юзида турли миллат ва элатларга бўлиб қўйган. Аллоҳ таоло бундай дейди: **“Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир”** (Ҳужурот сураси, 13-оят).

Табиийки, инсон фарзанди қаерда, қайси мамлакатда дунёга келса, ана шу ер унинг ватанига айланиб қолади.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб кетаётганларида туғилиб ўсган ватанлари Маккаи мукаррамага юзланиб: **“Агар қавмим мени Маккадан чиқиб кетишга мажбур қилмаганида, ҳеч ҳам ўз ихтиёрим билан уни ташлаб кетмаган бўлар эдим”**, деганлари сийрат китобларида баён этилган. Демак, ватанни севиш, ватанпарвар бўлиш, ундаги бор нарсаларни ардоқлаб, соғиниб яшаш инсоният фитратида мавжуд бўлган нозик ҳис-туйғудир. Ватан ҳимояси, миллат фаровонлиги ва дин равнақи йўлида жон фидо қилган кишиларга шаҳидлик мақоми берилади.

Азиз юртимизда эмин-эркин тоат-ибодат қилиш имкони, диний-маънавий қадриятлар, иймон-эътиқодимиз дахлсизлигига катта эътибор берилган. Тинчлик-хотиржамлик неъматини билан сийланиб яшайпмиз. Бундан бебаҳо илоҳий неъматларнинг қадрига етиш, уларга шукр қилиш, асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Аллоҳ таоло бундай дейди: **“Ким шукр қилса, бас, албатта, у фақат ўзи учун шукр қилур. Ким ношукрлик қилса, бас, албатта, Раббим (ҳамма нарсадан) беҳожат ва карамлидир”** (Намл сураси, 40-оят).

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ





**Қуръонга боғланинг...**  
Саодатни кафолатлаш ..... 1

**Муқаддас бурч**  
Ватанни севиш фитрий туйғудир ..... 2

**Тафсир**  
Аллоҳ мақтанчоқларни суймас ..... 4

**Баракали оила**  
Ҳеч ким овозини баланд қилмайди... ..... 6

**Муносабат**  
Исломот – илм дини, уни кимдан оляпсиз? ..... 7

**Маънавиятимиз меъморлари**  
Навоий ижодида тўрт унсур талқини ..... 8

**Бугуннинг гапи**  
Бирор фосиқ хабар келтирса... ..... 10

**Янги масжид**  
“Ўтовли эшон” жомеси очилди ..... 11

**Саҳобалар ҳаёти**  
Ота-бола саҳобалар ..... 12

**Масала**  
Сўраган эдингиз... ..... 14

**Руҳий тарбия**  
Тасаввуф камолот йўлидир ..... 16

**Аслида қанақа?**  
Бухайроми ёки Баҳийро? ..... 17

**Мунаввар олам**  
“Шифо” – қалбларга малҳам ..... 18

**Ҳадис шарҳи**  
Огоҳлантирилган уч тоифа ..... 19

**Долзарб мавзу**  
Тунтарилган кўзадай қора қалб эгалари... ..... 20

**Исломот тамаддуни тарихидан**  
Озодалик илми асосчиси ..... 21

**Қуръон қиссалари**  
Эҳтиромнинг мукофоти ..... 22

**Тафаккур**  
Аллоҳ ҳақим зотдир ..... 23

**Дунёдан дараклар**  
Исломот ва олам ..... 24

**Тадқиқот**  
Мотуридия таълимотини кенг тарғиб қилган асар ..... 26

**Аччиқ ҳақиқат**  
Уят нима? ..... 27

**Шеърят**  
Ўзингдан ўзгага этмагин муҳтож... ..... 28

**Саодат асрига саёҳат**  
Тарихи Муҳаммадий. Бадр ғазоти ..... 30

**Минтақа**  
Исломот ила яшнаган ўлка ..... 32



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنْفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ  
 نَبْرَأَهَا ۚ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴿٢٢﴾ لِكَيْلَا تَأْسَوْا عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا تَفْرَحُوا  
 بِمَا آتَاكُمْ ۗ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ ﴿٢٣﴾ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ وَيَأْمُرُونَ  
 النَّاسَ بِالْبُخْلِ وَمَنْ يَتَوَلَّ فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ ﴿٢٤﴾

«Бирор мусибатни пайдо қилмасимиздан олдин у Китобда битилган бўлур, акс ҳолда, Ер юзида ва ўз шахсларингизда сизга бирор мусибат етмас. Албатта, бу иш Аллоҳ учун осондир. Токи кетган нарсага қайғуриб, келган нарсдан хурсанд бўлмаслигингиз учун. Аллоҳ барча димоғдор ва мақтанчоқларни суймас. Улар бахилдирлар ва кишиларни ҳам бахилликка буюрурлар. Ким юз ўгирса, Аллоҳ ҳеч бир нарсага муҳтож бўлмаган, мақталган Зотдир» (Ҳадид сураси, 22–24-оятлар).

## Аллоҳ мақтанчоқларни суймас

“Бирор мусибатни пайдо қилмасимиздан олдин Ер юзида...” Муқотил раҳимаҳуллоҳ оятни: “Ер юзига тушувчи мусибат: қаҳатчилик, ўсимлик ва меваларнинг озайиб кетиши”, деб тафсир қилган.

“У Китобда битилган бўлур”. Яна ушбу мусибатлар Лавҳул маҳфузда битилгандир.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо “Пайдо қилмасимиздан олдин” оятини: “Мусибатни пайдо қилмасимиздан олдин”, деб тафсир қилган. Саид ибн Жубайр раҳимаҳуллоҳ: “Ер юзи ва жонни пайдо қилмасимиздан олдин”, деган.

“Ва ўз шахсларингизда сизга бирор мусибат етмас”. Шахсга етадиган мусибатдан мурад турли касаллик ва қийинчиликлардир.

“Албатта, бу иш Аллоҳ учун осондир”. Рабиъ ибн Солиҳ айтади: «Саид ибн Жубайр розийаллоҳу анҳуга мусибат етганида йиғладим. У мандан: “Нега йиғлаяпсан?” деб сўради. Мен: “Сенга етган ва сендан

кетган нарсани кўриб йиғлаяпман”, дедим. У: “Йиғлама, Парвардигорнинг ушбу сўзини эшитмаганмисан, деб: “Бирор мусибатни пайдо қилмасимиздан олдин у Китобда битилган бўлур, акс ҳолда, Ер юзида ва ўз шахсларингизда сизга бирор мусибат етмас” оятини сўнгигача ўқиди».

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо бундай дейди: «Аллоҳ таоло қаламни яратганидан сўнг, унга: “Ёз”, деди. У киёмат кунигача бўладиган нарсаларни ёзди. Аллоҳ бандаларнинг касаллик кунлари ва соғлик кунларини белгилаб қўйган. Агар одамлар уларни камайтириш ёки кўпайтиришга ҳаракат қилсалар, уддасидан чиқолмайдилар.

“Токи кетган нарсага қайғуриб...” Қўлларида кетган моллари сабабли хафа бўлмасинлар. Агар улар буни билганларида эди, қўлларида кетган ризқ сабаб тушкунликка тушишмасди. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда

Набий алайҳиссалом: *“Сизга етган нарса етмаган бўлмаслигини, етмаган нарса сизга етган бўлмаслигини билмагунингизча бирортангиз иймоннинг ҳаловатини топмасиз”*, дедилар. Сўнг: **“Токи кетган нарсага қайғуриб”** оятини ўқидилар. Яъни дунёда қўлингиздан кетган нарса учун қайғурманг. Чунки у сизларга тақдир қилинмаган эди. Тақдир қилинганида, уни қўлдан чиқармаган бўлардингиз.

**“Келган нарсдан хурсанд бўлмаслигингиз учун”**. Ибн Аббос розийаллоху анхумо оятни: “Дунёдан келган нарсдан”, деб тафсир қилган. Саид ибн Жубайр: “Соғлик ва ҳосилдорликдан”, деб тафсир қилган. Ик-рима ибн Аббосдан ривоят қилинади: “Хафа бўлмайдиган ва хурсанд бўлмайдиган бирор киши йўқ. Фақат мўмингина етган мусибатга сабр қилади. Қўлга киритган насибаси учун шукр қилади”.

**“Аллоҳ барча димоғдор ва мақтанчоқларни сўймас”**. Димоғдор ва мақтанчоқлар дунёда уларга берилган насиба сабаб мутакаббирлик қилдилар ва одамлар орасида фахрланадилар.

Жаъфар ибн Муҳаммад Содик: “Эй Одам боласи, нима учун қўлингиздан кетган нарсага қайғурасан? Сенга қайтариб бермайдиган нарса учун қайғурмоқдасан ёки ўлим йўқ

қиладиган нарса билан фахрланмоқдасан”, деган. Бузругмеҳрдан: “Эй Ҳақим, нима учун йўқотган нарсангизга хафа, келган нарсага хурсанд бўлмаяпсиз?” деб сўрашди. У бундай жавоб қилди: “Боиси йўқотилган нарсани кўз ёши билан қайтариб бўлмайди, келган нарсани кетказиб бўлмайди”. Фузайл ибн Иёз бундай деган: “Дунё йўқ бўлувчидир. Йўқ қилганини қайтариб бўлмайди. Фойда берганига эса қайтишига изн берилади”.

Димоғдор ўзидан фахрланади. Мақтанчоқ эса одамларга паст назар билан қарайди. Иккисининг амали ҳам яширин ширқдир.

**“Улар бахилдирлар”**. Аллоҳ мақтанчоқларни яхши кўрмайди. Улар бахилдирлар. Аллоҳ таоло бирор нарсага муҳтож эмас.

Уламолар бахил билан сахийнинг орасидаги иккита фарқни ажратиш бундай дейишади: “Бахил нарсани ушлаб туриш билан, сахий эса уни бериб юбориш билан лаззат олади”. “Бахил фақат сўралганда беради, сахий эса сўралмасидан олдин беради”.

**“Ким юз ўгирса”**, яъни имондан юз ўгирса, “Аллоҳ ҳеч бир нарсага муҳтож бўлмаган, мақталган Зотдир”.

*“Тафсири Қуртубий” асосида  
Дилфуза РАҲИМОВА  
тайёрлади.*





Туман марказида бир кишининг уйини қураётган эдик. Олдимизга бир йигит келиб қурилиш қилмоқчилигини, ишимизни қачон яқунлашимизни сўради. Иморатимиз битай деб қолган бўлса-да, ҳориганимиз боис буюртма олишга шошмаётган эдик. Бирор ҳафта дам олишни режа қилгандик. Аммо йигитнинг ниҳоятда хушмуомала экан, йўқ дея олмадик.

## Ҳеч ким овозини баланд

## қилмайди...

Ишни кўриб, хизмат ҳақини келишиш ниятида машинасига ўтирдик.

Шоҳкўчадан бораётганимизда йигит машина тезлигини секинлатди.

– Ука, тезроқ юрмайсизми? – дедим.

– Узр, тоға, – дея хижолат бўлиб йигит:

– Анави, олдимизда кетаётган машина акамники, шунга бироз секин юряпман, – деди.

Ўнлаб машиналар орасидан олдимизда секин кетаётган “Cobalt”га эътибор қилиб:

– Қувиб ўта қолсангиз бўлмайдами? – дедим.

– Йўғ-е, бу киши акам-ку, беҳурматлик қила олмайман, – деди йигит.

Акасини шунчалик ҳурматлайдиган укани биринчи кўришим эди. Ҳавасим ортди-ю, лекин ишонгим келмай, бироз шубҳагаям бордим.

Йигитнинг хонадонига кириб бордик. Данғиллама уйларда тўрт оға-ини аҳил-иноқ яшар экан.

Ишнинг ҳажми-салмоғини пулга чақиб, нархини келишдик. Йигит беҳуда тортишмади.

Олдинги иморатни битириб, шерикларим билан у ерда иш бошладик.

Бу катта оилада тўрт келин, неваралар кекса онанинг хизматида, ҳеч ким ҳовлида овозини баландлатиб гапирмайди, ҳамма намозхон, чиройли одоб билан хулқланган.

Ҳар бири қимматбаҳо машина минган ўғиллар тадбиркорлик билан шуғулланар экан. Қозон битта, дастурхонлари тўқин, ҳар тўқисда барака сезилиб турибди. Бу уйда ҳеч ким онанинг гапини икки қилмас экан.



Бу оиланинг ширинсўзлигига ҳавас қилдик. Ҳатто биз усталарни эъзозлаб, ҳурматимизни жойига қўйишди.

Бироқ туппа-тузук бир уйнинг эшигини бузаётганимиздан ҳайрон эдик. Шерикларимдан бири: “Пул кўп бўлса, нима қилсин, бузиб-қуради-да”, деди. Бу тахмин нотўғри чиқди. Бунинг сабабини кейин билдик. Биз бузаётган жой онанинг хосхонаси экан. Бир куни онахон остонада қоқилиб кетибди. Бир оғиз: “Ҳаҳ, болалар тушмагур, шу остонани сал пастроқ қилишмабди-да”, деган экан. Бу гапни эшитган келини эрига айтибди. Эндиликда биз усталарнинг вазифамиз шу хонанинг зинапояси, остонасини пастлатиб, яна бошқа қулайликларини ҳам тўғрилаб бериш эди.

Қурилишни яқунлаб, иш ҳақини ҳам рози-ризочилик билан олдик. Бироқ кейинги буюртмаларимизда бу оиладаги каби ибратли инсонларни учратмадик.

Қани эди, ҳамма оила шундай бўлса...

**Исҳоқ ИСМОИЛОВ,**  
Ғаллаорол тумани



# Ислом – илм дини, уни кимдан оляпсиз?

**Бугун оммавий ахборот воситаларида турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб, судланганлар ҳақида кўплаб хабарларни учратамиз. Эътибор қаратилса, ана шуларнинг аксари 20–25 ёшдаги, ҳали оила ҳам қурмаган ёш йигитлардир.**

Яқинда кўчада суҳбатлашиб кетаётган икки ўсмир йигитнинг ўзаро баҳслари қулоғимга чалинди. Уларнинг наздида жума куни билан табриклаш мутлақо мумкин эмас экан. Буни эшитиб, хаёлимдан бундай гап-сўзларни ўсмирларга ким етказди, деган фикр ўтди. Албатта, бу масала бир неча йиллар олдин ижтимоий тармоқларда кўп бор муҳокама бўлгани учун уламоларимиз томонидан батафсил жавоб берилганди. Шундай бўлса-да, айрим фитначилар ижтимоий тармоқларда тарғиботни кучайтириб, кишилар ўртасида ихтилоф чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Энг ёмони, уларнинг бу тузоғига, асосан, ҳали ақлини танимаган ёшлар илиняпти.

Албатта, уларнинг онгига ёт ғояларнинг сингдирилишига йўл қўйиб бўлмайди. Президентимиз 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бу масалага алоҳида тўхталиб бундай деди:

“Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон уммати-га сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?”

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларимизни турли ёт ғоялардан

асрашнинг ягона йўли динимизнинг туб моҳиятини фарзандларимизга англаштириш, уларнинг ақидаларини тўғри шакллантиришдир. Бунинг учун эса, аввало, ўзимиз Ислом динини, Пайғамбаримиз алай-ҳиссаломнинг суннатларини мукамал билиб, болаларимизни шу асосда тарбияламоғимиз даркор.

Бутун дунё олимлари аҳли сунна вал жамоа ақидасининг асл ўзаги дея эътироф этган Имом Мотуридий таълимотини барча турдаги таълим муассасалари ўқув дастурларига киритиб, ёшларга бу борада кенг ва чуқур билим бериш мақсадга мувофиқ. Шундагина фарзандларимиз турли оқимларнинг бузғунчи ғояларига учмай, уларга қарши мустаҳкам иммунитет ҳосил қилади.

Шу билан бирга, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда ижтимоий тармоқларда экстремистик ғояларнинг тарқалишига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозим.

Албатта, динни чуқур билиш учун диний таълим муассасаларида ўқиш керак. Лекин бугун ҳар бир мусулмон кишига билиши зарур бўлган билимларни шу кунларда чоп этилаётган юзлаб диний адабиётлардан, имом-хатибларимизнинг аудио-видео ёзувларидан, кўплаб расмий телеграм каналлари орқали ҳам олиш мумкин.

Кўпинча ёшларимиз мана шу ўринда, яъни динни кимдан ўрганаётганига эътибор бермай, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмоқда. Бу ўринда ҳар бир мусулмон Муҳаммад ибн Сириннинг: “Бу илм динидир. Динингизни кимдан олаётганингизга қаранг”, деган сўзларига амал қилиши лозим.

**Насруллоҳхон НУРУЛЛОҲ ўғли,**  
Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “Намозгоҳ” жоме масжиди имом-хатиби



# Навоий ижодида тўрт унсур талқини

Мумтоз адабиётимизни етмиш йил давомида шўроларнинг атеистик ғояларига буркаб, догматик анъанавий таълим шаклида ўрганиб келдик. Аслида, Шарқ мумтоз адабиётини исломий ақида, калом, тасаввуф ва шариат илмларисиз ўрганиб бўлмайди. Зотан, мумтоз адабиётимизнинг манбаи ҳам шулар.

Навоий ҳазратнинг “Муҳокаматул луғатайн” ва “Мезонул авзон” асарларини мутолаа қилишга киришдим. Анчадан буён тўрт рақами билан боғлиқ ғоя, сўз, тушунча ва нарсалар диққатимни тортарди. Шу кунгача уларни бир дафтарга қайд этиб келаман. Ўқиш давомида фикрларим тасдиғини топиб, ҳайратим ошди. Ҳатто тиллар ҳам тўрт унсур хислатига мос таснифланса бўлар экан...

Ҳазрат Навоий асарларининг манбаи бўлмиш нақшбандия сулукининг **шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат** рукнлари маънавиятини англамасдан туриб, адабиётимизни ўрганиб бўлмайди. Бунда таснифимиз қуйидагича бўлади:

*Ҳаво-руҳ-инсон-ҳақиқат-ақл-оқил;  
Сув-жон-башар-маърифат-ирфон-ориф;  
Олов-нафс-шахс-тариқат-ишқ-ошиқ;  
Тупроқ-жисм-одам-шариат-илм-олим.*

Алишер Навоий “Мезонул авзон” асари муқаддимасида: “Комил ҳамд ва вофир шукр ул сонёғаким, инсон хилқати байтининг назмин тўрт унсур рукни ила тузди”, дейди.

“Муҳокаматул луғатайн”да тилнинг келиб чиқиши, ижтимоий моҳияти борасида бундай ёзади: “Мундин сўнгра уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари билан қойилининг (сўзловчи) адосиға зевар (безак) ва ҳар қайсининг фуруи (тармоқлар, шохобчалар) бағоят кўптур. Аммо туркий ва фор-

сий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаи (келиб чиқиши) дурки, Нуҳ пайғамбар салавотуллоҳи алайҳнинг уч ўғлиғаким, Сом, Ҳом ва Ёфасдин етишур. ...Ёфасники, таворих (тарихлар) аҳли Абут-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар, Эрон ва Турон мамоликининг (мамлакатлар) васатида волий қилди ва Ҳомники, Абул-ҳинд дебдурлар, Ҳиндистон билодиға (шаҳарлар) узатти. Ва уч пайғамбарзода авлод ва атбои (издошлар) мазкур бўлғон мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар”.

Кўриниб турибдики, Нуҳ алайҳиссалом ва унинг уч фарзанди тўрт унсур қолипидаги таснифимизга жуда муносиб тушмоқда. Бу тасодиф эмас, балки илоҳий низомнинг Низомиддин Навоий заковати ила хулосаланишидир.

Мазкур асарда мутафаккир олтой тиллари оиласига кирувчи туркий, яъни ўзбек тили билан ҳинд-европа тилларига мансуб сарт (форсий) тилини фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан солиштириб, чоғиштира тилшуносликка асос солди.

Таъкидлаш жоиз, Навоий сўз ўзлаштириш, бошқа тиллардан сўз олиш масаласига ҳам эътибор қаратади. Қолаверса, шоир ижод қилган даврда араб тили ақлзаковат-ҳақиқат, форсий эса ирфон-маърифат ва бадий адабиёт тили даражасига айланиб улгурган эди. Шунинг учун ҳам Навоий ўз асарларида арабий, форсий сўз ва ибораларни кўплаб қўллаган, буни табиий деб билган. Ўз асарларига ном қўйишда, анъанага мувофиқ, арабча сўз ва ифодалардан фойдаланган.

Ҳазрат Навоийнинг 268 рубоидан иборат “Назмул жавоҳир” асарида ҳазрат Али розийаллоху анҳунинг ҳикматли сўзлари шарҳланган. Милодий X асрда Шариф





Розий тўплаган саҳобанинг ҳикматли сўзлари “Наҳжул балоға” деб номланади.

Алишер Навоий ҳазрат Али розийаллоҳу анҳунинг ҳикматларидан илҳомланиб, “Насрул лаолий” асарини турк тилида, рубоий жанрида шарҳлайди ва уни “Назмул жавоҳир” деб номлайди.

Ҳазрат Навоийнинг “Назмул жавоҳир” асари муқаддима ва ҳазрат Али (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ҳикматларини шеър таржима қилгандек, шарҳлаб назмга солишидан, бунда айнан рубоий танланганидан мақсади шуки, шаклан ихчам, лекин катта маъно ташийдиган жанрда ҳикматлар тез оғизга тушади, одамлар онгига тезроқ сингади. Рубоийларнинг барчаси қофияли ва радифли, яъни “таронаи рубоий” шаклида битилган.

“Рубоий” арабча “арбаъ” (тўрт) сўзидан ясалган, тўртлик маъносини англатади. Асар муқаддимасидаёқ “тўрт” сони билан боғлиқ қизиқ маълумотлар келтирилади. Масалан, Аллоҳ ҳамди, Пайғамбар наътидан сўнг тўрт саҳоба васф этилади:

*Авалғини фазл дуриға уммон бил,  
Сонийсини адл гавҳариға кон бил,  
Солисни ҳаё гулбуниға бўстон бил,  
Робиъни валоят баданиға жон бил.*

Шоир ушбу рубоийда тартиб билан ҳазрат Абу Бакр, ҳазрат Умар, ҳазрат Усмон ва ҳазрат Алини ўзига хос услубда васф қилади. Шундан сўнг ҳазрат Алини алоҳида: “Робиъким, аносири арбаъ анинг таркиби махзаниға чаҳор девор ва рубъи маскун чаҳор девори анинг панжаи валояти била

барқарордур” сингари жумлалар билан тавсиф этади.

Маъноси: “(Улардан) тўртинчисиким, тўрт унсур унинг хазинаси таркибини тўрт девордек ўраб туради ва аҳоли яшовчи ерлар тўртдан бир қисмининг тўрт девори унинг ҳокимлик қўли остида барқарордир”. Бу жумлада тўрт сони билан боғлиқ учта бирикма бор: аносири арбаъ, чаҳор девор, рубъи маскун.

Навоий ҳал қилган лисоний муаммолардан бири – бошқа тиллардан сўз олиш муаммоси, биринчи навбатда, араб тилига алоқадор бўлиб, шубҳасиз, шоирнинг Қуръон тилини мукамал билгани (унинг арабча луғат тузгани маълум) катта ўрин тутган.

Шоир “Муҳокаматул луғатайн” асарида ўзи тўғрисида гапириб, шеър ёзишни форс тилида бошлаганини айтади. Лекин тушуниш ёшига етиб, туркий тил ҳақида фикр юритиш эҳтиёжи туғилгач, унинг кўз ўнгида зебу зийнатлари сон-саноксиз ўн саккиз минг оламдан ортиқ олам намён бўлганини таъкидлайди. Шу тариқа, Алишер Навоий ягона адабий тилга асос солиб, уни юқори чўққига олиб чиқди. Кези келганда айтиш керакки, бу тил Хитойдан Хуросонгача бўлган катта ҳудудда яшовчи барча туркийлар учун адабий тил вазифасини ўтаган.

Хулоса шуки, Навоий асос солган адабий тилимининг луғавий таркибига кирувчи барча ғоя, тушунча, шакл ва маъноларни ифодаловчи сўзларни юқорида келтирилган мулоҳазаларга асосан тасниф қилиш мумкин.

Ҳазрат ўзлари таъкидлаганларидек, Низомий Ганжавий ва Хисрав Деҳлавий у кишининг маънавий устозларидир. Абдурахмон Жомий билан эса, ҳамнафас яшаб, нафсларини тарбиялашда маслакдош пир ва дўст бўлиб, безавол адабий мерос қолдирдилар. Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин!

**Ашраф ОДИНАЕВ,**  
*Китоб тумани*

# Бирор фосиқ хабар келтирса...

**Инсон сув ва ҳавога қанчалик муҳтож бўлса, иймон-эътиқодга, маънавиятга, миллий қадриятларга, маърифатга шунчалик эҳтиёж сезади. Бу қадриятларнинг, маърифатнинг илди-зи Ислом таълимоти билан суғорилган бўлса, икки карра саодатдир! Аксинча бўлса, зарардан бошқа нарса эмас.**

Сўнгги пайтларда интернет сайтларида, ижтимоий тармоқларда, айрим босма нашрларда тарқатилаётган хабарлар, мақолаларни ўқиб, кишининг ҳайрати ошади. Асосиз “шов-шувлар” кетидан қувиб, ўқувчиларни чалғитиш, муқаддас динимизнинг софлигига путур етказишни касб қилиб олаётганлар ҳалиям борлиги кишини ўйга толдиради.

Минг афсус, айрим нохушликларни Ислом шиорлари билан боғлаб ёритиш – “масжид бундай бўлди”, “имом бундай қилди” дейиш ҳолатлари ҳамон учраётгани жуда ёмондир.

Танқид асосли, иллатларга мурасасиз, динимиз софлигини асраш ниятида бўлса, яхши. Бироқ миллий қадриятларимизга тош отиш, муқаддас динимиз шиорларини обрўсизлантиришга уриниш ҳалокатлидир.

Кўнглидан ўтган фикрни ақл тарозисига солмай, мулоҳаза қилиб пишитмай, динимиз мезонларига риоя қилмай, тайёр хомашё сифатида сохта обрў орттириш илинжида мақолага кўр-кўрона киритиб юбориш танқид эмас.

Кузатишларга кўра, айрим мақолаларда келтирилган воқеалар масжиддан анча олисда содир бўлган эса-да, сарлавҳага “масжид” сўзи олиб чиқилган. Таъкидлаш жоизки, халқимиз масжидларни “Аллоҳ-

нинг уйи” дея меҳр ила улуғлаб эъзозлайди. Аммо табаррук жойни инсон айтишга ҳам уяладиган сўзлар билан ёнма-ён ишлатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «У (инсон) бирон сўзни талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса,) унинг олдида ҳозир у нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур)» (*Қоф сураси, 18-оят*), деб баён қилган.



Бошқа бир ояти каримада эса: «Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!» (*Хужурот сураси, 6-оят*), деб марҳамат қилинади.

Ушбу ояти карималардан ойдинки, журналист ва блогерлар айтганлари ва ёзганларини кузатувчи фаришталар борлигини, вақт-соати етиб “дафтар кўтарилганида”, бугун ёзганлари эртага ўзларининг фойда ёки зарарларига ҳужжат бўлишини унутмасликлари лозим.


**Иброҳимжон ИНОМОВ**





Хоразм вилояти Тупроққалъа туманидаги “Ўтовли эшон” жоме масжиди расмий фаолият бошлади. Янги жоме Хоразм вилояти марказидан 200 км. узоқликда бўлиб, Бухоро вилояти ва қўшни Туркменистон Республикаси билан чегарадош.

## “Ўтовли эшон” жомеси очилди



Саховатпеша инсонлар кўмагида ва ҳашар йўли билан бунёд этилган масжидда намозхонлар учун барча қулайлик муҳайё. Хусусан, 250 нафар намозхонни ўз бағрига сиғдирадиган хонақоҳ, 10 кишилик замонавий таҳоратхона, маъмурият хоналари мавжуд.

Ўзбекистондаги масжидлар сони 2118 тага, Хоразмда эса 98 тага етди.



Тожибой ВАЙISOV,  
ЎМИ Хоразм вилояти вакиллиги  
масъул котиби

# Ота-бола саҳобалар

**Килоб ибн Умайя ибн Аскар Киноний Лайс ибн Кинона қабиласига мансуб саҳобадир. Отаси Умайя ўз қабиласининг раисларидан бири эди. Килоб отаси билан бир пайтда мусулмон бўлди.**

Килоб отаси Умайя билан ҳазрат Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу халифалиги даврида Мадинага ҳижрат қилди. Киноний қабиласининг Бани Лайс уруғилик бу йигит тақвоси, диёнати, гўзал ахлоқи билан ҳаммага ўр-нак эди. У оилада ёлғиз фарзанд бўлиб, ота-онасига кўп яхшиликлар қилар, доим раъйларига қарар, сўзларини икки қилмасди.

Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу аскарларни Ярмукка юбораётганида Килоб ибн Умайя келиб: “Эй мўминларнинг амири, мени ҳам кўшин билан бирга юборинг”, деди. Ҳазрат Умар розийаллоҳу анҳу: “Ота-онанг ҳаётми?” деб сўради. Килоб: “Ҳа”, деб жавоб берди. Шунда мўминларнинг амири: “Олдин уларнинг розилигини ол”, деб қайтариб юборди.

\* \* \*

Килоб аскарликка кетиш шавқида уйи томон шошиларди. Ҳали остонадан кириб улгурмасиданоқ: “Отажон, онажон...” дея ниятини айта кетди.

Дарахт соясида турган ота жигаргўшаси, кўзининг оқу қорасига: “Тўдаклигиндан боқиб катта қилган ота-онангни энди кексайиб, кучдан қолган



вақтида ташлаб кетасанми?” дея ёлворди. Онаизор ҳам кўзёш тўкишни бошлади. Килоб эса қарорида қатъий туриб олган, ҳеч нарса уни фикридан қайтаролмасди. Қайта-қайта ялина-вериб, ота-онасини ҳол-жонига қўймади. Охир-оқибат улар иложсиз рози бўлишди.

Ўғли кетгач, Умайя қайғудан мункайиб қолди. Гўё вақт тўхтагандек, кунлар жуда секин ўтарди. Туну кун йиғларди. Бир куни Умайянинг кўзи полапони атрофида парвона бўлаётган кабу-тарга тушди, ўғлини эслади, соғинчдан юрак-бағри янада кўпроқ ўртанди. Ҳижрон доғида шу қадар кўп йиғлаганидан Ёқуб алайҳиссалом каби кўзи кўрмай қолди.

Умайя таниқли шоир эди. Унинг шеърлари асосан ўғлига аталар, соғинчини мисраларда ифодалар эди. Кунларнинг бирида Умайя ҳазрат Умар розийаллоҳу анҳу ҳузурига борди. Саҳобалар қариянинг қўлидан тутиб, одамлар орасига олиб киришди ва

бирлари: “Эй Абу Килоб, бизга шеърларингдан ўқиб бергин”, деди. Умайянинг хотирасига келган биринчи шеър ўғлига атаб ёзгани бўлди. Фарзанд доғида битилган мисраларни Умар розийаллоху анху тинглар экан: “Бу ким?” дея сўради. “Умайя Киноний”, дейишди. “Унга нима бўлган?” деб яна сўради халифа. “Ўғлини чегарага яқин жойга юборгансиз”, дедилар. Умар розийаллоху анху: “Ўғлига рухсат бермаганмиди?” деб сўраганида, “Ўғли ҳол-жонига қўймаганидан, ноилож рози бўлган”, дейишди. Умар розийаллоху анху ўша заҳотиёқ Килоб ибн Умайяни ортга қайтариб келиш учун одам юборди.

\* \* \*

Килоб келгач, ҳазрат Умар розийаллоху анху: “Сенга саволим бор. Отангга қандай яхшилик қилардинг?” деб сўради. Килоб: “Эй мўминларнинг амири, Аллоҳга қасам, отам яхши кўрган нарсани сўрашидан олдин бажарганман, ёқтирмаганини асло қилган эмасман”, деди. Умар розийаллоху анху: “Яна-чи?” деб сўради. Килоб: “Ҳар нарсада яхшилик қилишга интилдим”, деди. Ҳазрат Умар розийаллоху анху: “Яна-чи?” деб сўради. Килоб: «Бир куни отам ётишдан олдин муздек сут ичмоқчилигини айтди. Қарасам, уйда сут йўқ. Яхна сув билан туянинг елинини ювиб, сут соғиб олдим. Отамнинг ётоғига кирганимда, у ухлаб қолган экан. “Уйғониб қолса, албатта сўрайди”, деб ёнида сутни кўтарганча туравердим. Отам ўша кеча уйғонмади. Эрталаб: “Болам, иссиқ сут ичаман”, деди. “Хўп бўлади”, деб дарров сўраганини бердим», деди.

Ҳазрат Умар розийаллоху анху бир оз ўйланиб турди-да: “Эй Килоб, менга ҳам худди шундай сут соғиб бергин”, деди. Килоб сутни келтиргач, ҳазрат Умар

Килобни бир хонага киритишни буюрди. Сўнг кекса Умайяга одам юборди.

Бир оз ўтиб ғам-андухдан жигари эзилган, кўп йиғидан кўзлари қизарган Умайя Аскаррий кириб келди. Умар розийаллоху анху: “Эй Умайя, дунёда сен туймаган қандай лаззат қолди?” деб сўради. Умайя: “Ҳеч бир роҳат қолмади”, деди. Умар Форуқ розийаллоху анху: “Нимани орзу қиласан?” деб сўради. Умайя: “Ўлимни”, деди. Умар розийаллоху анху: “Эй Умайя, шу тобда энг кўп хоҳлаётган нарсанг нима?” деб савол берди. “Ўлимим олдидан ўғлим Килобни бағримга боссам ва уни тўйиб хидласам”, деди. Умар розийаллоху анху: “Мана бу сутни ич”, деди. Умайя: “Истамайман”, деди. “Эй Умайя, шуни ичиб кўргин”, деб талабида туриб олди ҳазрат Умар. Шайх сутни қўлига олиб, оғзига яқинлаштирган замон йиғлаб юборди ва: “Бундан ўғлим Килобнинг ҳиди келяпти”, деди.

Умар розийаллоху анху йиғидан ўзини тўхтата олмади. Бир оз тин олгач: “Эшикни очинг”, деб буюрди. Хонадан Килоб чиқиб, отасининг бағрига ўзини отди. Умайя ўғлини узоқ вақт бағрига босиб турди. Уни тўйиб-тўйиб хидлади. Бу манзарадан қаттиқ хаяжонга келган ҳазрат Умар розийаллоху анху йигитга: “Эй Килоб, агар жаннатни хоҳласанг, у отангнинг оёқлари остидадир”, деди.

\* \* \*

Килоб мусулмонларнинг энг яхшиларидан бири бўлди. Ҳазрат Али билан Сиффинда иштирок этди. Кейинчалик Басрага кўчиб ўтган. У ерда маҳаллаларнинг бири “Килоб” деб номланади.

Манбалар асосида  
Жалолиддин ҲАЙДАРАЛИ  
ўғли тайёрлади.

Ассалому алайкум ва  
раҳматуллоҳи ва  
баракотух.

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...



**САВОЛ:** *Менинг чап оёғим яхши бўкилмайдди. Оёғимни узатиб ўтираман, табиийки, намозни ҳам шу ҳолда ўқийман. Бунинг ҳукми қандай?*

**ЖАВОБ:** Оёғини бука олмайдиган ёки букса, қаттиқ оғрийдиган кишилар зарурат юзасидан намозда оёқларини қиблага узатиб ўтирса бўлади.

**САВОЛ:** *Қарз олишга муҳтож эмасман, янги оиламан. Бироқ рўзгоримни бут қилиш мақсадида қарз олиб, тадбиркорлик қилишим мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Иложи борича қарз олмасликка ҳаракат қилиш лозим. Олса, албатта қайтариш нияти билан, тўлашга имконияти бўлса, муддатини белгилаб қарз олиш жоиз. Қарз фоизли дейилса, олиш мутлақо жоиз эмас.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Ким (қарзини) адо қилишни ирода қилиб одамлардан мол олса, Аллоҳ унинг тарафидан адо қилади (тўлаш сабабларини муҳайё қилиб қўяди), ким талафот етказишни ирода қилиб олса, Аллоҳ унга талафот етказди”** (Имом Бухорий ривояти).

**САВОЛ:** *Маййитни ювишда тоқ, яъни уч ёки беш киши бўлиши ва бир киши бирор сурани ўқиб туриши лозим дейишмоқда. Шу тўғрими?*

**ЖАВОБ:** Маййитни ювишда муайян адад белгиланмаган. Шунингдек, маййит ювилаётганда бирор сура ўқиб ту-

риш ҳам шариатга зид. Маййитни ювишда ўзига хос шаръий кўрсатмалар бор. Асосий эътиборни шуларга қаратиш лозим.

**САВОЛ:** *Жияним товуқ етиштириш фабрикаси очган. У ерда боқаётган жўжалари қирқ кунда сўйишга тайёр бўлади. Уларни сўйиб, дўконларга сотиш учун тарқатяпти. Шу жўжаларнинг гўштини ейиш мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Аллоҳ таоло барча ҳалол ҳайвон (жонзот)ларни инсонлар учун яратган. Ейишга яроқли бўлганидан бошлаб сўйиб ейиши мумкин. Одамлар орасида қичқирмай туриб еб бўлмайди, деган тушунчани айтаётган бўлсангиз, бу беҳуда гап.

Фақат Исломи шариатига мувофиқ сўйиши керак. Бунинг учун бундай масалани яхши биладиган бирор аҳли илм билан маслаҳат қилсин. Унинг тавсияларига асосан иш олиб борса, гуноҳкор бўлмайди. Аҳолига ҳам ҳалол, покиза гўшт етиб боришига сабабчи бўлади.

**САВОЛ:** *Азодор одамлар белларига белбоғ боғлаши шариат кўрсатмасими?*

**ЖАВОБ:** Бу, асосан, бизнинг урфимизда шаклланган ҳолат. Бу борада бирор буюрилган ёки қайтарилган ҳадис йўқ. Шунинг учун кимдир чакмон ёки чопон кийса, бошқаси оддий кийимларда юрса ҳам, маломат қилмаслик керак. Яъни бу ишни ихтиёрий деб билиш керак. Бел боғлаб чакмон ё чопон кийишни шариат буйруғи деб эътиқод қилмаслик зарур.

## Маъракаларда бидъатга йўл қўйманг

Яқинда тахририятимизга Жиззах вилояти Пахтакор туманидан қуйидаги савол келиб тушди. Унда бундай дейилади:

«Қишлоғимизда “қора қозон” деган одат бор. Унда бирор киши азали бўлиб қолса, ҳамқишлоқлар ёрдам тарзида пул беришади. Бир қараганда, бу хайрли урфдек. Бироқ ўша пулни ўрни келганда қайтариш лозим, худди тўёнадек.

Яна бир муҳим масала бу – “Худойи қилиш”, яъни азадорлар уч кун ичида халққа ош ёки шўрва қилиб тарқатиши керак. Бунга кимнингдир қурби етади, кимники эса йўқ. Бироқ азали хонадон буни қилишига мажбур. Шу тўғрими?»

Ушбу мурожаат бўйича Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази мутахассиси Ёрқин домла Жумабоев бундай дейди:

– Албатта, бу савол бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Чунки марказимизга ҳам бундай саволлар кўп келади.

Аллоҳ таоло инсонни баъзи мусибатлар билан синаб, сабр қилган бандага улкан ажрлар беради. Аммо биз инсонлар мусибатзада кишининг дардини енгиллаштириш ўрнига уни янада оғир аҳволга солиб, фалон-фалон маросимларни зиммасига қўйишимиз мутлақо нотўғри. Бундан ачинарлиси, мана шу ишларни “диндан” (яъни маййит чиққан хонадон эгалари шу маросимларни қилишлари шарт) деб билиш, “шундай ишлар бажарилмаса, маййит қабрда қийналади”, деб эътиқод қилишдир. Борди-ю, маййит эгалари ўртаҳол оила бўлиб, бу маросимлар кимдандир қарз олиш эвазига ёки кўпчилик томонидан қарз сифатида пул йиғилиб ўтказиладиган бўлса, бу ишларнинг оқибати янада хунукроқ бўлади. Чунки инсон бир яқинидан айрилиб, қалбига етган жароҳати битиб улгурмасидан қарз тўлаш ташвишига тушиши мусибат устига мусибатдир. Аксинча, бундай оилага таъзия билдириш, далда бериш орқали маънавий ёрдам қилиш, дафн маросимларида иштирок этиш орқали жисмоний кўмаклашиш, қарз сифатида эмас, балки беғараз, ҳар ким имкони етганча моддий ёрдам кўрсатиш каби амаллар марғуб ишлардан ҳисобланади. Лекин буни урф ёки мажбурият сифатида қабул қилмаслик керак.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Жаъфарнинг ўлими хабари келганда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Жаъфарнинг аҳлига таом қилиб беринглар. Уларни машғул қиладиган нарса келиб қолди”**, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Демак, мусибатхонага уч кунгача таом чиқариш, камбағал оила бўлса, уларга моддий ёрдам бериш, мусибат етган кишилар бой бўлса, уч кундан сўнг ихтиёрий равишда муҳтожларга ёрдам бериш, таом тарқатиш, эҳсон дастурхонини ёзиб, савобини маййитга етишини умид қилиш жоиз. Аммо бу ишлар омма учун мажбуриятга айланиб кетиши, қилмаса ўзларини айбдор ҳис этиш даражасигача етмаслиги керак. Бу ҳар кимнинг ша роити ва хоҳишига қараб белгиланиши зарур. Шунингдек, мазкур эҳсонлар маййитнинг мерос молидан меросхўрларнинг розилигисиз амалга оширилиши ҳам ўзганинг ҳаққига эътиборсизлик саналади.

Афсуски, ҳозирги кунда халқимиз орасида дафнга доир кўплаб маросимлар урфга айланган. Бу маросимлар бир қарашда яхшилиқ, савоб амалга ўхшаса-да, уни ташкил қилишда бир мунча бидъат-хурофотлар, ха толиклар мавжуд.

Хусусан, юқорида айтилган “қора қозон” маросимида ҳам кўпчилик қарз сифатида пул беради. Оқибатда инсонларнинг ҳақлари бир-бирига аралашиб кетиши, бу орада кимдир шу ҳақларни адо этишга улгуролмай қолиши ҳолатлари юзага келади. Қолаверса, шу “йиғин” ортидан мусибат етган хонадонга бирор шаръий асосга эга бўлмаган бир мунча мажбуриятлар юкланиши ва шу маросимларни бажармаса, маломатга қолиш ҳолатлари ачинарлидир. Бундай одатлардан эса динимиз қайтаради.

Шундай экан, ҳақиқий мусулмон ҳар бир ишни шаръий мезонларга кўра бажариши, айниқса, вафот этиб кетган яқинлари учун савоб улашиш мақсадида қилаётган амалларида тўғри йўлни тутиши, савоб қиламан деб зиммасида ўзгалар ҳаққи қолиб кетмаслигини таъминлаши зарур.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази (78) 150-33-44



# ТАСАВВУФ

## камолот йўлидир

**Али ЖУМЪА**

**Тасаввуф – Аллоҳга ибодат қилиш, Унга юзланишда энг гўзал даража. Гўзал бу – эҳсон демак. Эҳсон имоннинг ва Ислоннинг энг олий даражасидир.**

Тасаввуф нафсни поклаш, уни тарбиялаш, руҳни Аллоҳ азда ва жалланинг ҳузурига кўтарилишидан тўсадиган шаҳвоний ҳирслардан нафсни тийиш демакдир.

Тасаввуфнинг пойдевори дунёни қўлга киритиб, унга эгалик қилиб, уни халойиқнинг манфаатига, Ер юзининг ободлигига йўналтириб, қалбан ундан юз ўгиришга, дунёга нисбатан зоҳид бўлишга барпо қилинган.

Бизлар яшаётган жамиятда моддий ҳаётимиз инсоннинг шаҳвоний ҳирсларини жунбишга келтириб, ҳою ҳавасга ундаб, инсониятни бу коинотда энг оғир гуноҳларни қилишга, инсоният, наботот, ҳайвонот ва жамодотларнинг ҳаққини поймол қилишгача олиб бормоқда. Дунёни бузиш билан пўписа қилишга ўтди. Оқибатда, моддийликнинг туғени руҳни эзиб, уни заифлаштирди, ақл ва тафаккурни шахсий ғаразлар ва манманлик, беҳаёлик бошқара бошлади.

Тасаввуф ҳозирги замонимизда ҳаётимиздаги мана шу бузилган ўринларни

ислоҳ қилиш билан шуғулланади. У инсониятга хизмат қилиш, унинг тирикчилик йўлларини осонлаштириш, уни охираддан огоҳлантириш, Раббисига қайтишини эслатиш учун ҳам ўзгалар билан яқин бўлиш чораларини кўради. Аллоҳга ва охирад кунига бўлган иймон инсонни, аввало, эҳсон қилишга, уни муҳофаза этишга ундайди. Шунингдек, ўзгаларга ҳам эҳсон қилишга, уларга манфаат етказишга, улардан зарарни даф этишга ундайди.

Тасаввуфни инкор қилган, унга қарши курашган, умматнинг ёшларини, эркагу аёлини очиқ залолатга бошлаган адашган хорижийлардан тарқаган экстремистик тоифалар мусулмон ва мусулмон бўлмаган юртларда вайронкорликни, ахлоқсизликни кенг ёйдилар. Оғир жиноятлар содир этиш орқали дунёга Ислонни ёмон кўрсатдилар.

Ислоннинг бағрикенглиги, буюклиги, мўътадиллигига – Аллоҳнинг раҳматига қайтишда, халойиқни ҳидоятга чақиритишда, уларга соф динни, гўзал шариатни ўргатишда асло сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раисининг биринчи ўринбосари  
**Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ**  
таржимаси*





## Буҳайроми ёки Баҳийро?

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам 12 ёшларида амакилари Абу Толиб билан тижорат карвонида Шом ўлкасига борганларида бир насроний роҳиб у зотни нубувват аломатлари орқали таниб, бу ҳақда Абу Толибга хабар беради. Ўша роҳибнинг исми баъзи китобларда “Буҳайро” деб ёзилади. Аслида, Баҳийродир.

Ҳаракатлари қўйилган ва қандай ўқилиши жумлалар билан баён қилинган деяри барча арабий китобларда “Баҳийро” деб ўқиш кераклиги айтилган. Дарвоқе, инглиз, турк, рус каби тиллардаги кўп китобларда ҳам “Баҳийро” дейилади. Баҳийро унинг лақаби бўлиб, исми Жиржис (Георгий)дир.

## Биринчи ким эмизган?

Баъзи китобларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни биринчи бўлиб амакилари Абу Лаҳабнинг озод қилган чўриси Сувайба эмизган, дейилади.

Аслида, у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламни биринчи бўлиб туққан оналари Омина эмизган.

*Халқимиз орасида Ислом тарихига оид айрим атамалар нотўғри талаффуз қилинади. Бундай ҳолат, табиийки, сийратга оид китобларда келтирилгани боис шундай шаклланиб қолган.*

*Кўпминг сонли муштарийларнинг таклиф ва илтимосларига асосан журналимизда “Аслида қанақа?” номли янги рукн остида Ислом тарихига оид атамаларнинг аслини ишончли манбалар асосида тушунтириб боришни ният қилдик.*

## Аҳбошлар ҳабашларми?

*Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида Макка атрофида Аҳобиш (аҳбош)лар яшаган экан. Уларнинг ҳабашлар эканини қаердадир ўқиган эдим. Шу тўғрими?*

Аслида, “Аҳобиш” (аҳбошлар) – Макка жанубидаги Хубший тоғи атрофида яшайдиган Мусталиқ, Ҳаё ва Хун каби араб қабилаларининг умумий номидир.

## Отасининг эшагими ёки ўғлининг?

Айрим кишилар: «Омир ибн Рабиъа розийаллоҳу анҳу: “Умарнинг эшаги мусулмон бўлмагунча, ўзи иймон келтирмайди” деган», деб айтишади.

Шу маънодаги сўз Макка мушрикларининг тазйиқи кучайгач, мусулмонлар Ҳабашистонга кетаётганларида, ҳазрат Умар иймон келтиришидан олдин айтилган.

Яъни аслида Омир ибн Рабиъа: “Хаттоб (ҳазрат Умарнинг отаси)нинг эшаги мусулмон бўлмагунча, ўғли (Умар) мусулмон бўлмайди”, дейди.

*Манбалар асосида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти катта ўқитувчиси Абдулазим ЗИЁВУДДИН тайёрлади.*



Абу Саъид Худрий розийаллоҳу анҳу Набий алайҳиссаломдан бундай ривоят қилади:

«Олдимга Жаброил алайҳиссалом келиб, бундай деди: “Раббингиз ва Раббим мендан: “Муҳаммаднинг қадрини қанчалар юқори кўтарганими биласанми?” деб сўради, мен: “Аллоҳ ва Расули билгувчироқ”, дедим. Шунда Ҳақ таоло: “Қачон исми зикр қилинса, ортидан албатта унинг ҳам исми эсга олинган қилдим”, деб айтди».

## “Шифо” – қалбларга малҳам

Кейинги йилларда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам сийратларига оид кўплаб китоблар нашр этилди. Бундай китоблар сони яқинда яна биттага ортди. Қози Йёзнинг “Шифо. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақларини танитиш” асари нашр этилди. Таржимон Жалолиддин Ҳамроқулов.

Ушбу китоб чин маънода Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламни янада яқинроқ танишга ва у зотнинг кимлигини кенгроқ билишга хизмат қилади. Чунки китобда Набий алайҳиссаломнинг кимлиги, даражалари, хуллас, бутун сийратлари Қуръони карим оятлари асосида далиллаб келтирилган.

Асарнинг биринчи бобида “Аллоҳ азза ва жалланинг феъл ва сўз ила Набийнинг қадрини буюк қилгани ҳақида” сўз юритилади:

«Аллоҳ таолонинг улуғ Китобида Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадру қимматлари, шаънлари улуғланган, олий хислатлари зикр қилинган жуда кўп оятлар мавжуд. Хусусан, Тавба сурасининг 128-оятда Аллоҳ таоло Набий алайҳиссаломнинг фазилатларини санаб, бундай дейди: “Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган, сизнинг машаққат че-

кишингиз унинг учун оғир бўлган, сизнинг (саодатга етишувингизга) ташна, мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган Пайғамбар келди...”

Аллоҳ таоло ушбу оятда нафақат мўминларга ёки арабларга ёхуд Макка аҳлига, балки бутун инсониятга ўзларидан бўлган, тўғрисиўзлиги, омонатдорлиги билан машҳур, бирор марта ёлғончиликда айбланмаган, барчага самимий бир инсонни пайғамбар қилиб юборганини билдирмоқда».

Китобда бундай далилли оятлар ва шарҳлар кўплаб келтирилганки, уларнинг ҳар бири Пайғамбаримизга бўлган муҳаббатни ошириб бораверади.

Биз кўпинча Набий алайҳиссаломни яхши кўриш ҳақида гапирамиз. Аммо у зотни севиш аломатлари нималарда эканига эътибор қаратмаймиз.

Китобда бу ҳақда ёзилган:

“Билинги, ким бир нарсани сўйса, уни ҳамма нарсадан устун қўяди, унга мувофиқ бўлишни афзал кўради. Баъзилар эса, муҳаббатида содиқ бўлмай, қуруқ даъволи бўлиши мумкин. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббатнинг инсонда зоҳир бўлувчи аломатлари бор.

Биринчиси, у зотга эргашиб, суннатларини ҳаётда татбиқ этиш, феъллари, қавлларини лозим тутиб, буйруқларига бўйсун-





ниб, қайтарганларидан қайтиш, қийин ёки оғир вазиятларда ҳам одоблари ила хулқланиш, қизишган ёки машаққат туйган вақтда ҳам у зотнинг хулқ-одобларига риоя этишдир.

Яна бир аломати – Набий алай-ҳиссаломни кўп эслаш билан бирга, у зотни улуғлаш, исмларини эшитиб, виқорларини туйганда хушу билан хокисорликни изҳор қилишдир.

Муҳаббатнинг яна бир аломати у зотнинг аҳли байтларини, ансор ва муҳожир асҳобларини ҳам севишдир. Шунингдек, Қуръонни севиш, ҳидоят йўлига эргашиш, у зотнинг хулқлари билан хулқланиш ҳам муҳаббатдир. У зотнинг суннатларини яхши кўриб амал қилиш ва унинг чегараларида тўхташ.

Умнатларига шафқатли бўлиш, уларга яхшиликни илиниб, умнатдан зарарни даф этиб, худди Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам каби мўминларга раҳмли ва шафқатли бўлмоқдир”.

Китобни мутолаа қилиб бўлганингиздан сўнг қалбингиз ёришиб, Набий алайҳиссаломни янада яқинроқ танийсиз, иншоаллоҳ.

**Исломбек ЙЎЛЧИЕВ**

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо ривоят қилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Аллоҳ таоло уч тоифа кишиларни қаттиқ ёмон кўради: Ҳарамда катта гуноҳ қилувчини, Исломда бўлатуриб, жоҳилият урф-одатларига эргашувчини ва ноҳақдан кишининг қонини тўкишга интилгани”** (Имом Бухорий ривояти).

## Огоҳлантирилган уч тоифа

Макка – муқаддас ер. Парвардигор уни одамлар тўпланадиган, омонлик манзили қилди. Ким у жойга кирса, омонликдадир. Шунинг учун Маккада, Ҳарам ҳудудида маъсият ва тўғри йўлдан оғишни қасд қилган кимса, гарчи ниятини амалга оширмаса ҳам, аламли азобга учрайди”. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: **“У ерда ким зулм ила янглиш йўлга бурилишни ирода қилса, унга аламли азобни торттирурмиз”** (Ҳаж сураси, 25-оят).

Ислом динининг таълимотларини поймол қилиб, жоҳилият одатларини ўзи ва оиласи учун ҳаёт йўли қилиб олган кишини Набий алайҳиссалом: **“Исломда бўлатуриб жоҳилият урф-одатларига эргашувчи”** деб атадилар. Жоҳилият урф-одати миллатчилик, унинг учун курашиш, фол очиш, шумланиш, мунажжимларни тасдиқлаш, Аллоҳ таолодан ўзгандан сўраш, Қуръони каримда бўлмаган йўлни тутиш каби бузуқ эътиқодлардир.

Айбсиз одамдан ҳақ талаб қилувчи ва ундан шубҳаланувчи шахс кишининг қонини ноҳақ тўкишга интилувчидир. У худди бир кишидан гумон қилиб, исботини топмасдан Аллоҳ таоло ҳаром қилган қонни ноҳақдан тўкишга интилган кимса кабидир.

Мана шу уч амални қилган бандадан Аллоҳ таоло ғазабланади. Мўмин ўзининг обрўси, кадр-қимматини сақлаши, Аллоҳ таоло ғазабланадиган амаллардан узоқ бўлиши лозим.

**Мансур МАМАТОВ,**

*Хатирчи тумани “Изомиддин  
мударрис” жоме масжиди имом-хатиби*



# Тўнтарилган кўзадаё қора қалб эгалари...

**Фитнанинг турлари кўп: нафсу шахват фитнаси, шубҳаю гумон фитнаси, бузук эътиқодлар фитнаси, оммавий ёки хос фитналар ва ҳоказо.**

Давр тараққиёти ёки тадрижий ихтироларга қараб фитна турлари ҳам кўпайиб бораверади. Масалан, бугунги ихтиролар ва тараққиётнинг қулайликлари билан бир қаторда инкор қилиб бўлмайдиган фитналар ҳам талайгина. Жумладан, ёмон ниятда ишлатилаётган телефон ва интернет, инсонлар онгига салбий таъсир қилувчи бошқа ахборот воситалари...

Фитна – жуда хатарли. У денгиз каби мавж уриб, кишини йўлдан оздиради. Улуғ саҳоба Ҳузайфа ибн Ямоний розийаллоҳу анҳу айтади: «Биз мўминлар амири Умар розийаллоҳу анҳу билан бирга эдик. У зот биздан бола-чака, қўни-қўшнилар билан боғлиқ фитналардан ташқари, денгиз мавжлари каби тўлқинланиб, ҳар бир хонадонга кириб борадиган охирзамон фитналари ҳақида Расулulloҳдан эшитганингиз борми деб сўраганларида, ҳамма сукут қилди. Шунда мен у кишига Пайғамбаримиздан эшитган мана бу ҳадисни айтиб бердим: *“Охирзамон фитналари кишилар қалбига бўгинма-бўгин чирмашиб олади. Бундай фитна шарбатини тотган ҳар қандай қалбда қора доғ пайдо бўлади. Шундай қилиб, одамлар ўз ўзидан икки хил кўринишдаги кишиларга айланади. Биринчиси, ҳаёт давомида жуда камчиликни ташкил қиладиган қалби пок инсонлар. Буларга фитналар зарар етказмайди. Иккинчиси эса, тўнтарилиб оғзи беркилиб қолган қора кўза каби қора қалб эгалари бўлиб, улар маърифатни тан олмайди, мункар ишлардан қайтмайдиганлардир”*» (Имом Ибн Можа ривояти).

Хўш, фитналар авж олган пайтда мусулмон киши нималар қилиши керак?

Биринчидан, ҳар бир мўмин бу вазиятда Набий алайҳиссаломнинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилиши лозим.

Иккинчидан, мусулмон киши фитналар кўпайганда уламолар, имомлар, тўғри йўл кўрсатувчи пешволар бошқараётган мусулмонлар жамоасини лозим тутиши, ҳар қандай фитнаю фирқалардан узоқ бўлиши керак. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *“Умматим асло залолат устида жамланмайди. Қачон ихтилофни кўрсангиз, “Саводул аъзам” билан бирга бўлинг”*, деяётганларини эшитдим» (Имом Ибн Можа ривояти).

“Саводул аъзам” калимаси “улкан жамоа”, яъни “кўпчилик мусулмонлар” маъносидадир.

Учинчидан, фитналардан сақланмаслик, ғаламис фитначиларга қўшилиш Куръони каримда очиқдан-очиқ мусулмонларга қилинган илоҳий амрга зиддир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: *«Ҳаммангиз Аллоҳнинг “арқони”ни (Куръонини) маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг»* (Оли Имрон сураси, 103-оят).

Хуллас, бундай фитна балосидан, эҳтиёт бўлиб яшаш, айниқса, динда фитнанилиб қолишдан, ҳар қандай фикхий ёки ақидавий асосиз қарама-қаршилиқлар атрофида ўралашишдан сақланиш керак. Турли фитна-фасодларни келтириб чиқараётганларнинг ҳоллари икки дунёда қандай оғир бўлишини эса, англаш қийин эмас.

**Эргашали РУСТАМОВ,**  
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани  
бош имом-хатиби



## Озодалик илми асосчиси

**Поклик Ислом шиорларидан. Тарихга назар солсак, ҳеч бир тузум, гуруҳ ёки дин уни иймон даражасига кўтармаган. Исломда эса поклик имондан ҳисобланиб, инсонларни маънан ва жисмонан озодаликка чақиради.**

Қуръони каримда мусулмонларга пок нарсалар, пок таомлар, покиза жуфтлар ҳалол қилингани ҳақида кўрсатмалар келган. Бадан поклиги, энг муҳими, қалб поклиги ҳақида сўз кетади. Барча нарса покликка таянилган, покликка қаратилган. Хусусан, намоз ўқиш учун нафақат бадан, балки кийим-бош ва жой поклиги ҳам зарур (*“Тафсири Ҳилол”*).

Аллоҳ таолонинг буйруқ ва қайтариқларида соғлиқ меъёрлари акс этади. Маълум ишларни тақиқлаб, қолганларига рухсат беришида инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам биринчи бўлиб совунни мусулмон кимёгарлари ихтиро қилдилар.

Совун кашф қилинмасидан олдин одамлар турли ёғлардан фойдаланишган. Таркибининг кўп қисми зайтун мойи бўлиб, унга “ал-қали” дейилган маҳсус туз аралаштирилган. Сўнг қайнатиб, қолипларга солиб, қотишини кутишган.

XIII асрга келиб совуннинг ҳар хил рецептлари ўйлаб топилди. Масалан, мусулмон олими Розийнинг қўлёзмаларида совуннинг рецепти бундай келтирилади: “Озгина кунжут мойини олиб унга калий, ишқор ва оҳак солиб аралаштиринг ва қайнатинг. Тайёр бўлган маҳсулотни қолипга қуйиб, қаттиқ ҳолга келгунча ўз ҳолида қолдиринг”.

X асрда яшаган қуртубалик олим Абулқосим Халаф ибн Аббос Заҳровий бу соҳанинг отаси бўлиб, ғарбда “Абулқосис” номи билан танилган. Мутафаккир Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг поклик ҳақидаги ҳадисларидан илҳомланиб, тиббиётга бағишланган 30 жилдли “Тасриф” асарини



ёзди. Китоб ўша даврдаги жарроҳлик асбоблари ва усуллари ҳақида бўлиб, амалиётда кенг қўлланилди.

Заҳровий фақат тиббиёт ҳақида эмас, балки китобнинг 19-жузини тўлиқ косметикага бағишлади. Аслида, бу косметологияга қўшилган буюк ҳисса эди. Мазкур китоб мусулмонларнинг косметология соҳасига қўйган тамал тоши деса, муболаға бўлмайди. Сабаби, асар 1000 йил олдин ёзиб қолдирилган.

Заҳровий Ислом асосларида белгиланганидек, соч, тери, тиш ва бошқа тана аъзоларига аҳамият беришни таъкидлади. Милкни мустаҳкамлаш ва тишларни оқартириш устида тажриба ўтказиб, амалиётда кенг қўллади. Атир-упа, хушбўйликлар ҳақида излашлар олиб борди ва прессланган маҳсус қолипдаги хушбўй шарчалар ҳақида ёзиб қолдирди. Бу эса, замонавий юмалоқ атирларни эсга солади (*Snodgrass, Mary Ellen (2005). World clothing and fashion. 153b.*).

Заҳровийнинг асарлари ўтган юз йилларда турли Европа тилларига таржима қилиниб, олимлар томонидан чуқур ўрганилди (*Abu al-Qasim Muslim physician and author. Encyclopedia Britannica*). Айнан унинг меҳнати туфайли тиббиётнинг жарроҳлик ва косметология соҳасида кўп ютуқларга эришилди.

Манбалар асосида  
Мунаввар НИЁЗАЛИЕВА  
тайёрлади.



# Эҳтиромнинг мукофоти

Нанотехнология ривожланиб, интернет ҳар бир хонадонга кириб борди. Турли ижтимоий тармоқлар кишиларнинг кунлик муурожаат қиладиган, кузатадиган, фикрлашадиган, ҳатто баҳс-мунозара қиладиган майдонига айланиб улгурди. Бунда илмли ҳам, илмсиз ҳам, ақлига, оғзига (яъни ёзадиган қўлига) кучи етган-етмаган ҳар ким “топганини дастурхонга тўкиб” солмоқда. Афсус, улар орасида аҳли илмлар ҳақида турли калакалар, бўҳтон гаплар ҳам йўқ эмас. Чунки кейинги даврда катта маънавий устунлардан бири – ўзаро эҳтиромни бой бериб қўйдик. Натижада турли тарафкашликлар, диний соҳа ходимлари ёки одамларга холис яхшилик қилувчи илмли кишиларга муносабат борган сари хунук тус олмоқда. Ҳолбуки, қудсий ҳадисда бундай дейилган:

*“Ким Менинг дўстларимга душманлик қилса, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам фарзларимга амал қилганчалик бошқа бирор нарсада Менга яқин бўла олмайди. Бандам Менга нафллар билан яқин бўлишда бардавом бўлади, ҳатто Мен уни яхши кўриб қоламан. Агар (Мен уни) яхши кўриб қолсам, эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли, юрадиган оёғи бўламан. Агар Мендан сўраса, унга бераман. Агар Мендан паноҳ сўраса, паноҳимга оламан”.*

Тарихга назар солсак, бир-бирига душман бўлганлар ҳам маълум доирада ўзаро ҳурматни сақлашган. Мисол учун:

Фиръавннинг сеҳргарлари Мусо алай-ҳиссаломнинг ҳақ пайғамбар экани, руҳиятларидаги илоҳий қудратни ҳис этиб:

– Эй Мусо, биринчи бўлиб сиз асойин-

гизни ташлайсизми ё биз ташлайлик? – дея сўрашди.

Шу зайл Ҳақнинг дўстига эҳтиром ва илтифот қилганлари учун Аллоҳ таоло уларга ҳидоятни насиб этди. Аммо бир пайғамбарга қарши мусобақа қилишга киришганлари учун жазога тортилишди. Яъни, улар Фиръавннинг амри билан қийноққа солиниб, сўнгра шаҳид этилди.

Шу куннинг ўзида пайғамбарга қарши чиқишдек куфрдан Фиръавнга тик боқиш ва итоат қилмасликдек қарама-қарши икки кутбни “кўрган” сеҳргарлар шундай бир иймонга мушарраф бўлишдики, Фиръавн уларга қанча зулм ва таҳдид қилмасин, боқий ҳаётни фанийсига алмаштирмадилар.

«(Фиръавн) айтди: “Мен изн бермай туриб, унга имон келтирдингизми?! Шубҳасиз, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Бас, энди (мен), албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига (ўнг қўл, чап оёғингизни ёки аксинча) кесурман ва сизларни хурмо шохларига осурман, (ўшанда) қайсимизнинг (яъни менинг ёки Мусонинг худоси) азоби қаттиқроқ ва боқийроқ эканини билиб олурсиз”. Улар дедилар: “Бизлар ўзимизга келган ҳужжатларни ва бизларни яратган зотни (Аллоҳни) қўйиб, сира сени танламаймиз. Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер! Сен фақат шу дунёдагина ҳукм қилурсан. Бизлар эса хатоларимизни ва сен бизларни мажбур қилган сеҳргарликдан иборат (гуноҳимизни) кечириши учун Раббимизга иймон келтирдик. Аллоҳ(нинг савоби) яхшироқ ва (азоби) боқийроқдир”» (Тоҳа сураси, 71–73-оятлар).

Яна бир ояти каримада бундай келади:

«Улар дедилар: “Зарари йўқ. Зеро, биз Раббимизга қайтувчидирмиз”» (Шуаро сураси, 50-оят).

Фиръавн уларни азобларкан, улар имонларини бой бериб қўйишдан кўрқиб, Аллоҳга бундай дуо қилиб ёлворишар эди: “Эй Раббимиз! Устимизга сабр (ёмғирини) ёғдир ва бизни мусулмон ҳолимизда вафот эттир!” (Аъроф сураси, 126-оят).

Мавлоно Жалолиддин Румий қуддиса сирруху



юқоридаги ҳодисани бундай таҳлил қилган: «Малъун ва золим Фиръавн сеҳргарлар имон келтиргани учун ғазабланиб, уларга азобли ўлим билан таҳдид қилиб: – Қўлингиз ва оёғингизни қарама-қаршисига кестириб, сўнг остираман, – деди.


**“Қасамки, (бир) қўлларингиз ва (бир) оёқларингизни тескаричасига кестириб ташлайман<sup>1</sup>, сўнгра ҳаммангизни (дорга) осиб юбораман!”** (Аъроф сураси, 124-оят).

Ўшанда Фиръавн сеҳргарлар кўрқиб, титраб ўзига итоат қилиб қолишларини кутган эди. Аммо у кўрдикки, сеҳргарлар кўркув ва хавотирдан қутулиб, илоҳий сир ва ҳақиқатлардан воқиф бўлишибди. Энди улар ҳавончада юз марта туйилиб, тегирмонда янчилиб ун ҳолига келтирилсалар ҳам, йўлларида қайтмайди. Чунки улар сояларини ўзларидан айира олиш ирфони ва басиратига ноил бўлишган эди».

Энди ўзимизни бир тафтиш қилиб кўрайлик. Ўзаро муомала-муносабатларда биз қандай йўл тутамиз. Мабодо, иймонимиз синаладиган қийинчиликларга дуч келсак, ҳолимиз не кечади? Аллоҳ таоло пайғамбарларидан бири – Мусо алайҳиссаломга эҳтиром сақлагани учун умри сеҳргарлик билан ўтган кишиларни мустаҳкам имон неъматини билан сийлади. Биз – ўзини икки олам сарвари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга уммат санаганлар – шундай имонга лойиқ бўлиш учун улуғларимизни қай даражада эъзозляяпмиз? Динимизда ҳеч бир амал кичик, арзимас саналмайди. Шундай экан, халқона айтганда, ҳар кўрганни Хизр билиб, “онлайн ё офлайн” бўлсин, ўзаро ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга бефарқ бўлмайлик.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ**  
*тайёрлади.*

<sup>1</sup> Яъни ўнг қўл билан чап оёқ ёки чап қўл билан ўнг оёқ. Шу тарзда кесилганда одам роса тўмтоқ бўлиб қолишини билган. Лекин Фиръавн сеҳргарларга шу жазони берган ёки бермагани аниқ эмас.



## ҲАКИМ ЗОТДИР

Инсонлар Иброҳим алайҳиссаломни оловга  
отишди.  
Ҳайвонлар, қушлар оловни ўчиришга ҳаракат  
қилди.

\* \* \*

Юсуф алайҳиссаломни акалари кудукка  
ташлашди.  
Кит Юнус алайҳиссаломни қирғоққа чиқарди.

\* \* \*

Фиръавннинг хотини Осиё учун  
жаннатда қаср бор.  
Лут алайҳиссаломнинг хотини дўзахдадир.

\* \* \*

Худхуд ғарибларни Аллоҳга чорлади.  
Фиръавн қавмини дўзахга судради.

\* \* \*

Чумоли бир пайғамбар қўшинининг  
йўналишини ўзгартирди.  
Инсон эса Каъбани бузиш учун филлар  
қўшинини бошлаб келди.

\* \* \*

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан  
ажраган тўнка ингради.  
Пайғамбаримизнинг амакилари у зотнинг  
йўлларига тиканларни ташлар эди.


\* \* \*

Жинлар Қуръонни хушу билан эшитиб иймон  
келтиришди.  
Укоз бозори аҳли эса Қуръонни эшитмаслик  
учун қўлларини кулоқларига тикишди.

**Абдулқодир ПОЛВОНОВ**



## Қуръоннинг нодир нусхаси



Искандария университети музейида хижрий X асрга оид нодир Мусхаф намойиш этилди.

Заррин ҳарфлар билан безатилган ушбу Мусхафни хижрий 939 йилда усмонлилар султониغا туҳфа сифатида Башир ибн Абдуллоҳ кўчирган.

Қадимда Қуръон қўлёзмалари подшоҳлар, султонлар ва оқсоқолларга тақдим этилган энг қимматли совғалардан бири бўлиб, уларни уста рассом-саҳҳофлар муқовалашган.

1952 йили Мисрда рўй берган инқилобдан сўнг бу совғалар бошқа қимматбаҳо қўлёзмалар қатори музейларга ўтказилди.

## Энг кўп қўйилган исм

Саудия Арабистони Оила кенгаши маълумотларига кўра, “Муҳаммад” исми 2022 йилда дунё бўйлаб энг кўп қўйилган исм бўлди.

АҚШнинг “BabyCenter” тадқиқот ширкати эълон қилган ҳисоботга кўра, “Муҳаммад” 2022 йилда Буюк Британияда ўғил болалар исмлари рўйхатида биринчи ўринни эгаллади.

2021 йилда ҳам шундай бўлган эди. “Муҳаммад” исми беш йилдан бери узлуксиз биринчи ўринда.

Гиннес рекордлар китоби бу муборак исми олганлар дунё бўйлаб 70 миллиондан кўплигини таъкидлади.



## Намознинг саломатликка фойдалари

АҚШнинг Бингемтон университетида ўтказилган тадқиқот намоз ҳаракатлари умуртқа поғонасининг пастки қисмидаги оғриқларни енгиллаштиришини исботлади.

Олимларнинг фикрича, мунтазам намоз ўқиш умуртқа поғонасига тиббий муолажа каби кучли ижобий таъсир кўрсатади. Қон босими ва юрак уриш тезлигини барқарорлаштиришга ёрдам беради, таранг мушакларни бўшаштиради. Пастки умуртқа поғонасига энг катта таъсир тиз чўкиб, сажда қилинган пайтда бўлади.



Намознинг саломатликка фойдалари олимларни уни ўрганишга ундади.

Тик туриш – қиём вазни тенг тақсимлайди, руку пастки орқа ва сон мушакларини чўзади ва танадаги қон оқимини яхшилади, сажда бўғинларнинг эластиклигини ошириб, бошга қон оқимини кўпайтириб, босимни барқарорлаштиришга ёрдам беради, шунингдек, хотирани яхшилади.

Такрорий сажда эса тананинг нафас олиш, қон айланиш ва асаб тизимини меъёрга келтиришга ёрдам беради, овқат ҳазм қилишни ҳам яхшилади.

Тадқиқот умуртқа поғонасидаги оғриқларга доирлиги сабабли намоз улардан азият чекадиган беморларга самарали муолажа сифатида тан олинди.



## Қуръон тўғарақлари очилди

Икки Муқаддас масжид ишлари бўйича Бош бошқарма мутасаддилари хабар беришича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом масжидларида аёллар учун Қуръон тўғарақлари очилди.

Мадиналик аёллар Масжиди Набавийда муқаддас Китобни ўрганиш ва ёдлаш дарсларида қатнашишлари мумкин. Илгари уларга бундай дарслар фақат виртуал бўларди.

Икки Муқаддас масжид ишлари бўйича бош бошқарма бошлиғи Шайх Абдурахмон Судайс бошқарма аёллар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар кўламини янада кенгайтиришини айтди.

## Рамазонга тайёрлик бошлаб юборилди

Татаристон Республикаси мусулмонлари диний идораси бу йилги Рамазон ойига тайёргарликни бошлаб юборди.

Эндиликда Қозон шаҳридаги олтита масжидда Қуръон маркази мутахассислари иштирокида тажвид дарслари олиб борилади. Машғулотлар Ражаб ойининг биринчи кунидан бошланади.

Курсни муваффақиятли тамомлаган талабаларга сертификатлар топширилади. Тадбир Волга бўйида ислом дини қабул қилинганининг 1100 йиллиги доирасида ўтказилмоқда.

## 3D принтер ёрдамида масжид қурилади

Дубайда 3D принтердан фойдаланган ҳолда олти юз киши сиғимига эга масжид қурилиши режалаштирилган. Бу лойиҳа 2025 йил бошида яқунлаш мўлжалланмоқда.

Дубайдаги Ислом ишлари ва хайрия департаменти муҳандислик бўлими директори Али Ал-Сувайдийнинг айтишича, масжид қурилиши учун асосий хомашё махсус бетон аралашмаси бўлиб, уч кишидан иборат гуруҳ роботлаштирилган 3d принтерни назорат қилади. Бу лойиҳа дунёда илк бор қўлланилаётгани боис харажат анъанавий усуллардан кўра ўттиз фоизга кўпроқ бўлади. Аммо келгусида харажат анча қисқаради ва кафолат муддати

эса ўттиз йил бўлиши кутилмоқда.

Қурилиш ишларида 3d принтерлардан фойдаланиш чиқиндилар миқдорини камайтириб, атроф-муҳитга салбий таъсир этмайди.



## Янги дастур

Асли покистонлик, АҚШда истиқомат қилувчи тадбиркор Билол Мемон Қуръони каримни ёдлаш учун янги дастурий иловани ишга туширди.

Билол 10 ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёд олганди. Бироқ вақт ўтиши билан у баъзи тафсилотларни унутиб, яна хатоларга йўл қўйди. Бу ҳақда у бундай дейди:

– Мен унутган сатрларни қалам билан белгилаб қўйдим ва саҳифани чизиклар билан тўлдирдим ва аввалгидек хатоларга йўл қўйганимни англадим. Оятнинг бир қисмини тўрт-беш марта такрорласангиз, уни яна эслайсиз. Аммо икки ҳафта ичида сиз ҳам худди шундай хатога йўл қўясиз.

У муқобил усул ихтиро қилишга қарор қилгунга қадар кўп йиллар Қуръонни шу тарзда такрорлаш учун қаламдан фойдаланган. Шу жараёнда Қуръонни ёдлаш янги иловасини яратиш фикри туғилган.

Билол Мемон ва унинг уч кишидан иборат жамоаси тўрт ой давомида ушбу дастурни ишлаб чиқди. Худо хоҳласа, мазкур илова iPhone ва андроид қўл телефонларидан ўрин олади.

Иловани синовдан ўтказиш учун АҚШ, Буюк Британия, Канада, Саудия Арабистони, Малайзия ва Индонезиядан мингга яқин киши рўйхатдан ўтган.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

# Мотуридия таълимотини кенг тарғиб қилган асар

**Ҳанафийлик мазҳаби ҳамда мотуридия ақидавий мактабининг муҳаққиқ олимларидан Усмон Ўшийнинг “Бадъул амолий” асари араб тилида, назмий услубда, ҳижрий 569 йилда ёзилган. У калом илмига бағишланган бўлиб, аҳли сунна вал жамоа эътиқоди ва мотуридия таълимотига бағишланган. Гарчи асарнинг ҳажми кичик бўлса-да, Ўший у орқали ҳанафий-мотуридия таълимоти равнақиға ўз ҳиссасини қўшган.**



“Бадъул амолий” асари яна “Яқулул абд” ва “Қасидатул лomia” номлари билан ҳам машҳур. “Яқулул абду” номи асарнинг биринчи байти туфайли бўлса, мисралари “лом” ҳарфи билан тугаллаб ёзилгани учун “Қасидатул лomia”, яъни “Ломли қасида” деб номланган. Халқ орасида “Қасидаи амолий”, “Лomia”, “Амолий”, “Калomia” номлари билан ҳам аталган назмий асарда эътиқод масалалари лўнда баён этилган.

“Бадъул амолий” қасидасини кўп олимлар шарҳлаган. Улардан бири “Даражул маолий” дир. Асар муаллифи Иззуддин Шофийий айтади: “Билгинки, “Қасидаи лomia” асари тубсиз денгиз каби бўлган диний масалалар ичидаги ақоид қоидаларини қамраб олган. Гарчи унинг ҳажми кичик бўлса-да, фойдалари кўпдир. Сўнгра мен муфассал китоблар фойдаларини тар-

тиблаб, унинг сатрларини изоҳлашни хоҳладим. Залолатлар ва бидъат эътиқод қилувчилар учун уни кенг ва очиқ шарҳладим”<sup>1</sup>.

“Бадъул амолий” асарининг турли нусхалари орасида кам бўлса-да, баъзи фарқлар мавжуд. Мулла Али Қорийнинг “Завъул маъолий” шарҳида ҳам, “Тухфатул олий” да ҳам, Ҳумайдийнинг “Амолий таржимаси” асарида ҳам бир хил – 68 байт келтирилган. Абу Бакр Аҳмад Розийнинг шарҳида эса, 60 байт келтирилган. Асарнинг асосий маълумотлари 60 байтда баён қилинган бўлиб, қолганлари дуо ва насихатлардир. Фақат олимлар унинг етмиш уч байт эканини айтишган.

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти кутубхонасида сақланаётган ноёб қўлёзма нусха асарнинг етмиш учта байт бўлганини тасдиқлайди. Ушбу қўлёзма нусхада “Бадъул амолий” асарининг юқорида зикр қилинган асарга кирмай қолган олтига байт бор. Нега бундай бўлгани ҳозирча маълум эмас<sup>2</sup>.

Шунингдек, асарга ёзилган шарҳлар номлари қуйидагича: Иззуддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдулазиз ибн Жамоа Кинонийнинг “Матлаъул мисол фил-ақоид ал-исломия ва



манба-ал камоли фил масаил ал-каломия фи шарҳ ал-қасийда ал-ломия” номли шарҳи, шунингдек, ушбу олимнинг “Даражул маолий” асари, Муҳаммад ибн Абу Бакр Розийнинг “ал-Ҳидоя” асари, Шамсиддин Нисорийнинг “Шарҳу бадъул амолий” шарҳи, Халил ибн Али Яманийнинг “Нафис ар-риёз ли иъдом ал-амроз” асари, Муҳаммад Най-собурийнинг “Уқудул олий”, Тунисий Ҳанафийнинг “Нашрул олий” асари, Мулла Али Қорийнинг “Завъул маолий” шарҳлари бор. Мулла Али Қорийнинг шарҳи нашри усмонийлар даврида чоп этилган. Унга битилган “Тухфатул олий” хошияси бир неча олимлар кўриги билан мукамал бўлган<sup>3</sup>.

“Бадъул амолий”ни Хўжа Саъдиддин турк тилига (1954), “Забражон” номи билан форс тилига, Шайх Абдулазиз Мансур (“Ақоид матнлари”) сўзма-сўз ўзбек тилига (2006) таржима қилган.

Хулоса қилиб айтсак, “Бадъул амолий” асари ихчам бўлишига қарамай, кенг қамрови билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Шу туфайли асарга кўплаб шарҳлар, хошиялар ёзилган. Асардан аҳли сунна вал жамоа эътиқодий қарашлари, хусусан, мотуридий таълимотини ўрганиш ва ёдлаш жуда қулайдир.

**Тоҳир РЎЗИЕВ,**  
ЎзХИА магистранти

<sup>1</sup> Иззуддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдулазиз ибн Жамоа Киноний. Даражул маолий. – Байрут: Муассасатул кутубус сақафия, 2011. – Б. 14.

<sup>2</sup> А.Абдурахим. Эътиқод дурдоналари. – Т.: Шарқ, 2012. – Б. 35–36.

<sup>3</sup> Иззуддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдулазиз ибн Жамоа Киноний. Даражул маолий. – Байрут: Муассасатул кутубус сақафия, 2011. – Б. 14.



## Уят нима?

Халқимизда уят ва андиша деган гаплар бор. Киши бирор ноўрин ё ёмон қилиқ қилса, “Уялмайсанми?” деган даkki эшитади. Бу “Ҳаё қилмайсанми? Андишали эмасми?” деганидир. Демак, уят – ҳаё, уялиш – ҳаё қилишдир. Ҳаё эса иймондан экани ҳадисда баён этилган.

Ҳар бир инсон кўзини нафақат ҳаромдан, балки аврат жойларга тушишдан ҳам сақлаши керак. Афсус, бугун катта йўл бўйларида тик туриб бавл қилаётганларга ҳам кўз тушиб қолади. Турли уловларда аёл-қизлар, норасидалар ўтиб-қайтиб турганида кўздан панага ўтиб таҳорат ушатишга ҳам ярамаётган уятсизлар учраб турибди.

Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам) раҳматуллоҳи алайҳ ҳеч қачон ялангбош ҳам, ёнбошлаб ҳам ўтирмаган эканлар.

Ҳаё кўтарилса, бошқа иллатлар ёпирилиб келади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини уч ёмонликдан огоҳлантирганлар: ирим, тама, ҳасад.

Тамагирлик эса порахўрликка олиб боради. У ҳам ҳаёнинг кўтарилишидандир.

Ақл яхши хулқни мужассамлаштиради. Яхши хулқ ҳаёнинг намунасидир.

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрлари доим ёдимизда бўлмоғи лозим экан:

*Ақл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила олам элини шод қил.*

**Расул РАҲИМОВ,**  
Дехқонобод тумани

# Ўзингдан ўзгага этмагин муҳтож...

## Ўзгага этма муҳтож

Мен фақир банданга кўрсатгин йўлим,  
Исломинг бағрида топгайман кўним,  
Саждага бош қўйиб, яйрасин кўнглим,  
Дийдору васлингга топгайман илож,  
Ўзингдан ўзгага этмагин муҳтож.

Олим-фозилларга қилганман ҳавас,  
Дуога қўл очиб, бўлсам ҳамнафас,  
Каломинг кўлимдан қўймайман бирпас,  
Бир умр сезурман Сенга эҳтиёж,  
Ўзингдан ўзгага этмагин муҳтож.

Илму зиё бирла мукамал инсон –  
Расулингга бердинг шундайин имкон,  
Жойлагин қалбимга эътиқод-иймон,  
Ўзинг мадад бергин, ишимга ривож,  
Ўзингдан ўзгага этмагин муҳтож.

Фақат бир Ўзингга қилгум ибодат,  
Маҳшарда дуолар бўлгай ижобат,  
Расулинг умматин қилгай шафоат,  
Зикринг бўлсин менинг бошимга бир тож,  
Ўзингдан ўзгага этмагин муҳтож.

**Абдурахмон АБДУРАҲМОНОВ,**  
Янгиариқ тумани

## Ҳалол яшайлик

Баъзилар жонини тикиб топар мол,  
Ажратмас лойқами ё тиниқ зилол.  
Дўстларим, сўзларим келмасин малол,  
Беш кунлик дунёда яшайлик ҳалол.

Шукр дейлик нима келса, бориға,  
Ишлаб топсак, ярар рўзғор корига.  
Асло доғ тегмасин дил оҳорига,  
Беш кунлик дунёда яшайлик ҳалол.

Ўт билан ўйнашма, чиқар аланга,  
Ҳаром касри урар дўст, оиланга.  
Зарар берма ҳаттоки ўт-ўланга,  
Беш кунлик дунёда яшайлик ҳалол.

Гар мол сотсанг, тўғри бўлсин тарози,  
Олган одам бўлмасин ҳеч норози.  
Майли, сенга бўлар гуноҳнинг ози,  
Беш кунлик дунёда яшайлик ҳалол.

**Обиджон ОРИПОВ,**  
Олтиариқ тумани

## Ер талашма

Одамзотга кулмоқдадир ер,  
Наҳот мени талашгайсан дер.  
Мозоротга зеҳн солсайдинг,  
Балки кўзинг очилгайми дер.

Бир нафасга келган бўлса ҳам,  
Ерни нега талашар одам?  
Сиқим тупроқ бўлмайди ҳамдам,  
Ҳар қадаминг меники-ю дер.

Камтарликдан бўлсин ибрат ер,  
Ер талашиб тўкаверма тер.  
Қалбинг ўртаб оловланмагин,  
Шу талашган тупроқ сени ер.

Баъзилар бор ўзин билиб шер,  
Кўчалардан юлиб олар ер.  
Билсанг эди, ҳар бир қаричи  
Охиратда – “савобингдан бер”.

Кимга насиб қилгай парча ер,  
Ўзингга кел, бир бор савол бер.  
Ҳаёт эса кўрсатмоқдадир –  
Ким қабрига олиб кетди дер.

**Шухрат ТОИРОВ,**  
Сергели тумани

## Тавба қилсанг

Эй биродар, лайлу наҳор тавба қилсанг,  
Дилдан айтиб гар истиғфор, тавба қилсанг,  
Бор айбингга бўлиб иқрор, тавба қилсанг,  
Кечиргайдир Парвардигор, тавба қилсанг.

Гуноҳларинг ўтга тушган ўтиндайин,  
Зарра қолмай куйиб кул бўлмоғи тайин,  
Ташлаб ёмон одатларинг бутунлайин,  
Қайтмай залолатга зинҳор, тавба қилсанг.

Расулуллоҳ наздида чин уммат бўлсанг,  
Суннатларин севиб дилдан адо қилсанг,  
Ул кун гирён сен шафоат тилаб келсанг,  
Сийлагайлар дағи бисёр, тавба қилсанг.

Кўр тараддуд, айланиб бу чархи фалак,  
Қалб қушин қабз этмоқ учун келгай малак,  
Рух бу жисминг тарк айлагай, тўхтар юрак,  
Бахт шу – келмай ул харидор, тавба қилсанг.

Маҳшар куни беҳад сени шодлантириб,  
Чин ошиқлар каби сенга меҳрин бериб,  
Жаннатида дийдорига лойиқ кўриб,  
Сийлагайдир Ўзи Ғаффор, тавба қилсанг.

### Кўрқаман

*Ё Раб! Гуноҳим кўплиги боис ўзимдан кўрқаман,  
Ёр ёшлигимда босган ул қинғир изимдан кўрқаман.*

*Кўрса, ҳаромга суқланиб боққан кўзимдан кўрқаман,  
Гоҳо тилимга эрк бериб айтган сўзимдан кўрқаман.*

*Бир-бир варақлаб ногаҳон ўтган ҳаётим дафтарин,  
Кўкка совурган ҳар кечу ҳар кундузимдан кўрқаман.*

*Рўзғорда қолсам қийналиб, эслаб итоатсизлигим,  
Шундан камайгандур дея, ризқу рўзимдан кўрқаман.*

*Қилдим тановул берса ким, ки қонса бас нафсим дебон,  
Ҳеч замон боғин сўрмадим, тотли узумдан кўрқаман.*

*Кўрган чоғимда гоҳ-гоҳи фарзандларим бебошлигин,  
Мен балки билмай берганим – нопок тузимдан кўрқаман.*

*Аҳли оиламга бу дин аҳкомларин ўргатмадим,  
Ул кун аёлим бирла бул ўғил-қизимдан кўрқаман.*

*Мўминга танҳо бахт қуши охирда иймондур ва лек  
Бир ён учиб кетмасми деб бору йўғимдан кўрқаман.*

**Ҳайдарали АБДУЛЛАЕВ,**  
Марғилон шаҳри

### Муножот

Икки эшик ораси,  
Кўзим оқу қораси,  
Қалбим оху ноласи,  
Жаннати қил, жаннати...

Яратдинг ўзинг Худо,  
Раҳматдан қилма жудо,  
Фоний ва боқий дунё,  
Жаннати қил, жаннати...

Беҳишт боғидан юрдир,  
Кавсар сувидан ичир,  
Гуноҳим ўзинг кечир,  
Жаннати қил, жаннати...

Бу дунё бир имтиҳон,  
Қон томиримда шайтон,  
Ўзинг қутқаргин, Раҳмон,  
Жаннати қил, жаннати...

Қуръонга амал қилай,  
Ҳадисни шараф билай,  
Расулга уммат бўлай,  
Жаннати қил, жаннати...

Инсон асли обу гил,  
Илтижоим қабул қил,  
Ёзди қулинг Фармонкул,  
Жаннати қил, жаннати...

**Фармон ҲАЙДАРОВ,**  
Ургут тумани

### Яхши одам

*Қуёш нурдан тўшар пойингга гилам,  
Юлдузлар жилмайиб сенга парвона.  
Сен асло кўрмагин мусибат, ситам,  
Тонглар дуо қилар ул мунис она.  
Яратган ризоси ёғилсин ҳар дам,  
Ёмонлик кўрма ҳеч, эй яхши одам.*

*Сабр сенга қалқон, қаноат қилич,  
Қалбинг ҳар хил ҳасад, риёдан холи.  
Оиланг аҳилдир ва рўзғоринг тинч,  
Тангри ёрлақанг зотлар мисоли.  
Сенда икки дунё саодати жам,  
Ёмонлик кўрма ҳеч, эй яхши одам.*

*Бировнинг боласин ўзим болам деб,  
Совға-салом бериб, бошин силаган.  
Умрини эзгулик йўлига тикиб,  
Барчага омонлик, соғлик тилаган.  
Инсонлар кўнглига бўлган малҳам,  
Ёмонлик кўрма ҳеч, эй яхши одам.*

*Вақт бир дарё – оқар бетиним,  
Унда сузаётган инсон бахтиёр.  
Савоб амалларга соҳиб бўлса ким,  
Яратганнинг унга мукофоти бор.  
Кўнглим ёришади сени эсласам,  
Ёмонлик кўрма ҳеч, эй яхши одам.*

**Усмон МИРЗАЕВ,**  
Чироқчи тумани

# Тарихи Муҳаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

## БАДР ҒАЗОТИ

Сув денгизи эмас, ўт денгизи бўлса ҳам сиздан ажралмаймиз, ҳар қанча кўп душман қаршисида бизни қўйсангиз, уни кўп кўриб, оғир олмаймиз. Уруш майдонида бизлар чидамликдурмиз. Душман қаршисида эрлик билан туриб, қаҳрамонлик кўрсата олурмиз. Ё Расулаллоҳ! Эртага кўрасиз, душман олдида қилган баҳодирлик, кўрсатган ботирликларимизни. Сизни албатта суюнтурирмиз, албатта шундай бўлур деб Аллоҳдан умид этамиз, – деб сўзини тўхтатди.

Бу сўзларни эшитиб Расулаллоҳ суюнганларидан муборак юзлари ялтираб кетди. Сўнгра айтдилар: – Сизларга башорат бўлғайким, душманларимиз бу урушда биздан енгилдилар. Уруш майдонида аларнинг йиқилиб ётган жойлари Худо тарафидин кўзимга кўрсатилди<sup>1</sup>. Яъни, Аллоҳ таоло икки тоифанинг бирини берурман, деб Пайғамбаримизга ваъда қилган эди. Шу ваъда Қурайш қўшинига тўғри келиб, аларнинг бу урушда учрайдурган воқеалари кўрсатилди. Абу Жаҳл бошлиқ бир қанча Қурайш раисларининг бу майдонда ўладурган жойларини белгилаб, бир кун олдин саҳобаларга кўрсатдилар. Қайси ерни кўрсатган бўлсалар, худди ўшал ерда деган кишилари ҳалок бўлди. Бундай ғайб ишлардан хабар беришлари Пайғамбаримизнинг мўъжизалари эди.

Энди сўзни Абу Суфёндан эшитамиз. Абу Суфён Пайғамбаримизнинг йўл тўсиб чиққанларини англагандан сўнгра юрган йўлини ташлаб, йироқ бўлса ҳам, денгизбўйи йўлига тушиб карвонни қутқазди. Дарҳол хат ёзиб келаётган Қурайш қўшинига киши юбордиким: – Бизлар қутулдик, энди бошқа ҳожат йўқ, сизлар қайтинглар,

– деб ёзган эди. Бу юборилган киши аларга йўлда йўлиқди.

Хатни ўқигандин сўнгра Абу Жаҳлдан бошқа барча Қурайш раислари Абу Суфён сўзи билан йўлдан қайтиб кетишни маъқул кўрдилар. Ёлғиз Абу Жаҳл бу ишга розилик бермади ва:

– Биз йўлимиздан қайтмаймиз. Бадр майдонига бориб, ул жойда 3-4 кун турайлик, атрофдаги араблар бу ишимиздан хабар топсинлар. Туя сўйиб, чағир (ароқ) ичиб, аскарга улуш берайлик, араб элига бизнинг отимиз тарқалсин. Бу йўли шундоқ қилиб қайтсак, халқ ичида обрўйимиз ошиб, ҳайбатлик бўлурмиз, – деди. Бунинг бу сўзига қарши чиқувчилар бўлса ҳам, аларнинг сўзлари рад қилинганликдан, баъзилари ўзларига қарашлик бўлган кишиларни олиб йўлдин қайтдилар. Қолган Қурайш қўшинлари шу юрганларича Бадр водийсининг Макка томонидаги четига келиб қўндилар. Бу жой бўлса, Макка билан Мадина оралиғидаги, Мадинага яқинроқ бир ердур. Қўнушлари<sup>2</sup> юмшоқ тупроқлик, кенг кетган текислик эди. Мушриклар бу ўринга етганда, у томондан Пайғамбаримиз ҳам яқинлашиб келдилар. Ҳазрат Али, Зубайр бин Авом, бу икковларини душмандин хабар олиб, тил тутмоққа аскар олдида юборган эдилар. Булар Қурайш аскарларининг сувчиларига йўлиқиб, алардин икки кишини ушлаб, Расулаллоҳга келтурдилар. Шу вақтда Расулаллоҳ намоз ўқиб турмоқда эдилар. Намоздин бўшагунча буларни сўроққа олишди. Алардин ким эканликларини сўраб эдилар:

– Қурайш аскарларининг сувчиларимиз, – деб ростини айтдилар. Бунга ишониймай:

– Сизлар Абу Суфён кишилари бўлғайсиз, – деб, аларни қаттиқ урдилар. Қийноқдин қутулмоқ учун ёлғон бўлса ҳам “Абу Суфён ғуломларимиз” деб турганда, Расулаллоҳ намозларини ўқиб бўлиб



аларга айтдиларким: – Ростини айтганда, буларни урдинлар, ёлғон айтсалар – қўйдинлар. Қурайш сувчиларимиз деганлари тўғридур. Қани улардин бизга хабар беринглар, раислари кимлар, аскар сони қанча? – деб сўрадилар.

Анда сувчилар:

– Биз Қурайш аскарларини анави кўринган эгиз қум тепа ортида қўндириб келдик. Аммо аскар сони қанча эканини билмаймиз, – дедилар.

– Андоқ бўлса, ҳар куни аскарнинг овқатига неча туя сўйилади? – дедилар.

– Бир кун ўн, бир кун тўққиз туя сўйилади, – дейишди.

– Бу сўзинглар рост бўлса, аскар сони тўққиз юз билан минг оралиғида бўлғай, – дедилар. Иккинчиси, бу аскар ичида Қурайш раисларидан бир қанча атоқлик кишиларнинг борлигини билдиришди. Буни эшитганларида, Пайғамбаримиз саҳобаларига қараб:

– Макка шаҳри сизларга жигарпораларини такдим қилмишдур, – деб бу урушда зафар топишга ишорат қилдилар.

Шунинг билан юриб ўтиришиб, кечга яқин Бадр водийсининг Мадина томон қирғоғига келиб тушдилар. Бироқ бу тушган ерлари шўрлик, сувдан йироқ, чўл ер эди. Ичишга сув тополмай, чанқоқлик буларга ғалаба қилди. Бунинг устига шу кеча бир неча саҳобаларга жунублик етган эди. Эрталаб уйқудин турган вақтларида баъзилари жунуб, баъзилари таҳоратсиз эдилар. Ғусул-таҳорат қилишга етарлик сувлари ҳам йўқ эди. Шунинг учун уларнинг кўнгилларида турлик васвасалар пайдо бўлди. Душманни кўрмасдан илгариек “чанқоқлик бизни ҳалок қилгудек кўринур, шунинг устига агар душман ҳужумига учрар бўлсак, ҳолимиз нечук бўлур? – деган сўзлар тарқалиб, аскар ичига қўрқунуш тушди.

Мана шу чоғда Аллоҳнинг фазли карирами билан ҳаво ўзгариб, ёмғир ёға бошлади, кўп вақт ўтмай сойлар тўла сув билан силкиниб оққали турди. Барчалари ғусул таҳорат олдилар. Ўзлари ичиб, қонишиб, от-уловларини суғориб, сув идишларини тўлғаздилар. Кўнгилларида

ғам бўлиб турган васвасаларининг бариси кўтарилди. Чангиб, тўзиб турган тупроқлар босилиб, оёқ ости топталди. Уруш майдонига кирганда баҳодир йигитларнинг оёқлари тоймас бўлди. Бу ёмғир ёғиши мусулмонларга нақадар фойдалик бўлди эса, кофирларга шул қадар зиёнлик эди. Чунки аларнинг мақсадлари, шул куниёқ ул жойдин кўчганларича, Бадрнинг сув қудуқларига эга бўлиш эди. Юрар йўллари лой, ботқоқ бўлганликдан, йўлда бир кун кечикиб қолдилар. Олдинги ўйлаган мақсадлари қўлга кирмай қолди.

Пайғамбаримиз бўлсалар шу кечани тоат-ибодат билан ўтказдилар. Бутун аскарларга зафар белгиси бўлиб, тун бўйи аларни роҳат уйқуси босди. Шунинг учун:

– Иймони кучлик кишиларга уруш устида уйқу келур, намоз ичида ухлаганлар, дилида нифоқ борлигидан бўлур, – дедилар.<sup>3</sup> Кейин тонг ёриши билан Расулulloҳ:

– Мўминлар, намозга, намозга! – деб қичқирдилар. Ёмғирдан далдаланиб, ҳар ерда ётган саҳобалар йиғилишиб келиб, Расулulloҳ орқасида намоз ўқидилар. Намоздан кейин саҳобаларга қараб, уруш ҳақида қисқача бўлса ҳам ўткир ваъз сўзладилар. Шундоқким, Аллоҳга ҳамду сано айтгандин сўнгра:

– Эй мўминлар! Аллоҳ таоло ҳозир но-зир, доим сизларга қараб турадур. Бундан ажралмаган кишилар душман устидан албатта зафар топадилар. Бу ўринда бир неча соат сабр қилгувчилар, дунё шарафига эга бўлиб, умр бўйича қайғу-ҳасратдин ўзларини, авлод-наслларини қутқарғайлар. Шуни билингларким, Аллоҳнинг ёрдами сабр қилувчилар биландур! – деб сўзларини тамомладилар.

**Алихонтўра СОҒУНИЙ**нинг  
“Тарихи Муҳаммадий” асаридан

*Давоми бор...*

<sup>1</sup> Ибн Хишом, Ас-Сийратун-набавия, 1/620.

<sup>2</sup> Юза, сатҳ маънолари англашилмоқда.

<sup>3</sup> Абу Хайён. Баҳри муҳит, Анфол тафсири, т. IV, 462-бет.



# Ислом ила яшнаган ўлка



Ислом – Сомалининг давлат дини. Турли манбаларда келтирилишича, мамлакат аҳолисининг 99 фоиздан ошиқроғи Ислом динига эътиқод қилади. Мусулмонларнинг аксари суннийлар. Мамлакатнинг 2012 йилда қабул қилинган муваққат конституциясида Ислом Сомали Федератив Республикасининг давлат дини ва Ислом шариати миллий қонунчиликнинг асосий манбаи сифатида белгиланган.

Шунингдек, муваққат конституцияда шариат аҳкомларига мувофиқ келмайдиган ҳар қандай қонун лойиҳаси қабул қилинмаслиги белгилаб қўйилган.

Ислом Африканинг мазкур мамлакатига VII асрда кириб кела бошлаган. Ўшанда дастлабки мусулмонлар бу ерга Арабистон яриморолидан келишган эди.

Ушбу маконда Исломнинг тарқалиши ва мустақамланишида маънавий раҳнамолар – Шайх Мадару, Абдурахмон аз-Зайлий, Авайс ал-Баравий, Муҳаммад Гулиду ва бошқа устозларнинг роли катта бўлган.

Сомали тарихи Ислом кириб келганидан сўнг янги, аниқ белгиланган йўналишга тушиб олди. Бир неча асрлар давомида ушбу заминда бир неча этник гуруҳлар яшаган ҳамда уларни умумий тил ва маданият боғлаб турган. Улар хушбўй (атторлик) ишлаб чиқарувчи эдилар ва қадимий мисрликлар ҳамда Рим империяси билан савдо алоқаларини ривожлантирганлар. Бироқ уларнинг қадимий ақидалари аста-секин Исломга ўрнини бўшатиб берди ва XIII юзйилликка келиб юрт аҳолисининг ҳаммаси мусулмон бўлди.

Сомалиликлар Исломга кирганларидан кейин янги сиёсий тузилма – Ифат давлатини ташкил қилди. У Эфиопия билан қарамлик муносабатларини узиб, Адал султонлигига айланди ва янги султонлик Африканинг шарқий қирғоқлари бўйлаб



Ислом давлатлари билан савдо алоқалари ўрнатиш орқали гуллаб-яшнади. Аммо Адал султонлиги 1541 йили Португалия Эфиопия билан иттифоқ тузиб, Сомалининг қирғоқлардаги шаҳарларига ҳужум қилиб, уларни вайрон қилганидан сўнг қулади. Худудда португалларнинг мавжудлиги султонликнинг қайта тикланишига тўсқинлик қилди ва Адал кўплаб майда султонликларга парчаланиб кетди.

XVII асрга келиб португаллар минтақадан суриб чиқарилганидан сўнг усмонийлар Сомалининг шимолий қисмида ҳукмронлигини ўрнатди. Бу вақтда жанубдаги султонлик Занзибар султони билан муносабат ўрнатишга ҳаракат қилаётган эди.

Сомалининг ўша даврларда усмонийлар империяси ҳукмронлиги остида бўлган қисми аҳолиси ҳанафийлик мазҳабига амал қилади. Занзибар билан муносабат ўрнатган қисми аҳолиси эса шофеийлик мазҳабидадир. Яна унчалик кўп бўлмаган, келиб чиқиши асосан покистонлик бўлган шиалар ҳам бор. Шунингдек, аҳоли орасида қодирия ва шозилия тариқатлари кенг ёйилган.

Мамлакат пойтахти Могадишода Бутунжаҳон мусулмонлари конгрессининг Шарқий Африкадаги минтақавий бўлими жойлашган.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

